

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси

4151500 “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълими” йўналиши IV курс 3-46 гуруҳ талабаси

ХУСАНОВА АЗИЗАнинг

**“ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА АХЛОҚИЙ
ҚАДРИЯТЛАР.”**

мавзусида ёзган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди “ Миллий
ғоя ва фалсафа” кафедраси мудири
ф.ф.н. С.Исмоилов _____
“ _____ ” _____ 2011 йил

Илмий раҳбар «Миллий ғоя ва
фалсафа» кафедраси мудири
ф.ф.н. С.Исмоилов _____
“ _____ ” _____ 2011 йил

Мавзу: ИСЛОМ ТАЪЛИМОТИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Р Е Ж А :

К И Р И Ш

I- БОБ. ИСЛОМ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ.

1.1. Ислом ахлоқий қадриятларининг моҳияти ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни.

1.2. Мустақиллик ва ислом ахлоқий қадриятлари.

II- БОБ. БУЮК АЛЛОМАЛАР МЕРОСИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУАММОСИ

2.1. Шарқ қомусий олимлари меросида ахлоқий қадриятлар.

2.2. Марказий Осиёлик исломшунослар ижодида ахлоқий қадриятлар.

III БОБ. ЁШЛАРНИ ТАРБИЯСИДА ИСЛОМ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎРНИ.

3.1. Ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг мақсади ва вазифалари.

3.2. Баркамол авлодни тарбиялашда ислом ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти.

Х У Л О С А

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ
ИЛОВАЛАР

К И Р И Ш

Ислом ахлоқининг жамият ҳаёти ва ривожигаги ўрни ҳамда аҳамияти ислом ахлоқий мафкура учун асос бўлиши билан белгиланади. ислом ахлоқи ва ислом ахлоқий мафкура эса халқни ислом ахлоқий ғурур, ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаб, ижтимоий тараққиётнинг қудратли ва таъсирчан омилига айланади. ислом ахлоқи ва ислом ахлоқий мафкура туфайли ижтимоий-тарихий амалиёт аниқ мақсадли, ислом ахлоқий ҳамда умуминсоний ахлоқий қадриятларни ривожлантириш ва уларни ҳаётда қарор топдиришга эришади. Ислом ахлоқий мафкурамиз заминлари фақат ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг узвий бирлигини ифода этгандагина ижтимоий тараққиётнинг қудратли омилига айланиши мумкин.

Мақсадимиз ислом ахлоқининг ҳам ислом ахлоқий мустақиллик билан, ҳам ислом ахлоқий мафкура билан чамбарчас бирлигини, улар ўртасидаги муносабатларни, шунингдек, ислом ахлоқий ўзликни англаш, сиёсат ва умуман ислом ахлоқи билан ҳар томонлама ижтимоий тараққиёт ва ҳозирга давр жаҳон цивилизациясига қўшилиш йўлида ривожланаётган Ўзбекитсон Республикасининг бутун ижтимоий-тарихий амалиёти билан узвий боғлиқлигини кўрсатиш, ислом ахлоқининг ва унинг негизида камол топадиган ислом ахлоқий мафкурани кенг халқ оммаси онги ва ҳаракатига янада чуқурроқ сингдириш учун айрим тавсиялар баён қилишдан иборат.

Ҳозирги замон ёшлари тарбияси тўғрисида гапирар эканмиз, бу жараёнда ислом ахлоқий қадриятлар билан бир қаторда диний ахлоқий қадриятларнинг имкониятлари, айниқса, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини англаш орқали шахснинг ўзида ижобий сифатларни тарбиялаш борасидаги бой ва кучли таъсир воситаларидан унумли фойдаланиш жуда муҳимлигини таъкидлаш зарурдир. Ҳақ йўлига ундаган умумбашарий ахлоқий қадриятларни ардоқлаб ўрганишимиз, ҳалоллик, бунёдкорликка ундаган покиза, ростгўй, меҳр-шафқат одамийлик, ватанпарварлик, халқпарварлик руҳидаги таълимотдан ёшларни тарбиялашида фойдаланиш усул ва

воситаларини ишлаб чиқиш лозим. Зеро, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Дин давлатдан ажратилгани билан жамиятдан ажратигани йўқ».

Президент ҳақли равишда, диннинг Ўзбекистон фукаросини тарбиялашдаги катта имкониятларига ишонади ва «биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий рухий-ислом ахлоқий ва маънавий ахлоқий кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиш тарафдоримиз», деб таъкидлайди. «Лекин биз, - деб давом этади И.А.Каримов, - ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралаштириш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз».

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида мамлакатимиз шароитида дунёвий давлатнинг дин билан муносабатларини аниқлаштирувчи асосий тамойиллар қаторига:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш; - диний эътиқодларни фукароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши, деб тан олиш;
- диний ахлоқий кадриятларга амал қилувчи фукароларнинг ҳам, унга амал қилмайдиган фукароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш умуминсоний ислом ахлоқий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурияти;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш» киритилган.

Мавзунинг долзарблиги: Ислом ахлоқи инсон, жамоа, жамиятнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига биринчидан, унинг ижтимоий тараққиётдаги ўрни ва роли, омма онига таъсири, самарадорлиги, жами куч-қудрати бирон бир восита билан ўлчаниши лозим, яъни кишиларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларини ўзлаштириш, такомиллаштириш ва ривожлантиришга ёрдам

кўрсатиш хусусияти билан баҳоланмоғи керак. ислом ахлоқида мужассам мақсадлар борликни ўзгартиради, ривож топади ва такомиллаштиради ва жамиятнинг ҳар томонлама тараққиётини амалга оширади.

Иккинчидан, ижтимоий субъектнинг эҳтиёжи, ислом ахлоқи иўртасидаги алоқадорликда муҳим жиҳатлардан бири бу ижтимоий субъект айрим якка шахсдан бошлаб халқ, жамият, жами инсоният ҳамжамятига қадар ислом ахлоқи ўзи учун орзу бўлган воқелик, тафаккур тарзи, фаолият-амалиёт мақсадларини уюштирувчи ибтидо тарзида эҳтиёж сезади, унга эътибор беради.

Учинчидан, шу эҳтиёжлар, манфаатлар, умидларга жавоб берадиган, уларни мақсадлар шаклида ва уларга элтадиган янада умумий шакл-воситалар ва омиллар шаклида ифодаладиган ислом ахлоқи илгари сурган ғоялар чиндан ҳам ижтимоий субъектнинг қудрат манбаига айланади.

Тўртинчидан, ислом ахлоқи инсон, турли ижтимоий бирликларнинг борлиғи тимсоли, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларининг мақсадлардаги ифодаси тарзида ҳам гавдаланади, ривожланаётган инсон моҳиятининг ўзига энг мос келадиган ижтимоий ва турли шароитлардаги эҳтиёжлари ифодаси сифатида намоён бўлади.

Бешинчидан, инсон, жамоа, жамият, жами инсоният учун аҳамиятли бўлган ислом ахлоқи вертикал бўйича ўтмишдан ҳозирги ва келажак сари ҳамда горизонтал бўйича инсон, миллат, элат минтақадан бошқа кишилар, миллатлар, элатлар, минтақалар, жами инсоният сари ворисийлик қонуни асосида ривожланади. ислом ахлоқи халқларни бирлаштирувчилик вазифасини бажаради. Шу боис у миллат манфаатларига, бошқа халқларга хавф туғдирадиган реакцион, шовинистик миллатчилик қарашларга қарши туради ва шу билан миллат, халқ, жамиятнинг бирлашишига хизмат қилади. ислом ахлоқи нафақат тарихий-фалсафий ҳодисаси сифатида, балки жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маданий соҳаларини ислоҳ қилувчи амалиёт сифатида, жамиятимизнинг жаҳон цивилизацияси тизимида фаолият ва тараққиёт амалиёти тарзида ҳам

мавжуддир. Яъни ислом ахлоқининг шаклланиши, бир томондан ижтимоий тараққиётнинг натижаси ва маҳсулидир, иккинчи томондан эса унинг муҳим омилларида биридир.

Ислом ахлоқининг ғоялари ва ислом ахлоқий мафкура ҳар қандай жамият учун зарурдир. Чунки мамлакатлар ўз тараққиётини мафкура орқали белгилаб оладилар. Шунинг учун ҳам бизда ислом ахлоқий мафкурани шакллантириш ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтарилди. 2000 йил 6 апрел куни ислом ахлоқий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда Президентимиз томонидан ислом ахлоқий ғоя ва ислом ахлоқий мафкуранинг аниқ концепциясини яратиш вазифаси қўйилди.

Албатта, биз бу масалага, Президентимиз асарлари ва бевосита мафкурага тааллуқли бўлган мақолаларининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ёндашувимиз керак. Шунингдек, жаҳон майдонларини мафкуравий жихатдан бўлиб олишга уринишлар бўлаётган бир шароитда мафкуравий бўшлиққа йўл қўйиш мумкин эмаслигини ҳам ҳисобга олмоқ зарур. Чунки айнан ана шундай бўшлиқ туфайли бизнинг республикамизга айрим ғаразли ғояларнинг кириб келишга уринишлари содир бўлди. Бундай мафкуравий бўшлиққа йўл қўйилишининг кўпгина сабаблари бор. Энг муҳим сабабларидан бири, Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, «Биз мустақилликнинг биринчи кунлариданок моддий-иқтисодий масалаларга кўпроқ эътибор беришга мажбур бўлдик. Чунки халқимизни ўтиш даври ларзаларидан асраш, кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаш энг асосий масала бўлиб турар эди».

Эндиликда мамлакатимиз ривожланиш йўлига ўтиб олди, халқимизнинг тафаккурида жиддий ижобий ўзгаришлар содир бўлди, бундай шароитда мафкуравий иммунитетни кучайтириш ва уни ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтариш объектив заруриятга айланди.

Бизнинг халқимиз, Президентимиз таъбири билан айтиганда, «Соддадил, оқкўнгил ва бағрикенг халқ», ўзининг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, кучли иродаси ва салоҳияти билан ўз қадрини топган халқ. Бугун биз халқ йўлига

юз тутган эканмиз, халқимизнинг фаоллигини дунёвийликка, замонавийликка йўналтиришни кучайтиришимиз керак. Уларни ҳақиқатга, хурфикрлиликка даъват этиш, моҳиятни билиб олишга кўмаклашиш зарур. Ана шундагина эски мафкурадан қутилган, мутеликни тан олмайдиган, ўз фикри ва қарашига эга бўлган, ўз кучи ва имкониятига эга бўлган ва унга таянадиган, воқеликка мустақил фикр билдира оладиган, шахсий манфаатини халқ манфаати билан уйғунлаштира оладиган маънан бақувват, иродали, чидамли одамлар шаклланади. Шу мақсадда тасаввуфий таълимотларни. Уларни хусусийлик ва умумийлик жиҳатларини ўрганиш аҳамиятлидир.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур битирув-малакавий ишнинг мақсади ва ислом ахлоқининг умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари, моҳияти ва ғояларни ўрганишнинг жамиятимиз маънавий тараққиётидаги ўрнини очиб бериш бўлиб, ўз олдимизга қўйидаги вазифаларни қўйдик:

- ислом ахлоқининг таълим тизимида ўрганишнинг мақсади ва вазифалари ҳақида тушунча бериш;
- ислом ахлоқининг назарий асосларини ёритиб бериш;
- ислом ахлоқининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ролини таҳлил қилиш;
- ислом ахлоқининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш ва асосий ютуқларини таърифлаш;
- ислом ахлоқининг халқимиз ҳаётидаги ўрнини очиб бериш;
- ислом ахлоқининг эзгу ғоялари ва тамойилларини баён этиш;
- ислом ахлоқининг умумийлик ва хусусийлик жиҳатлари таҳлил этиш ва бошқалар.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар.

Битирув-малакавий ишимизда Республикамизда ва ислом ахлоқининг махсус курси таркибида ўқитишнинг йўлга қўйилиши, мақсади ва вазифалари, унинг аҳамияти ҳамда ривожини ёритишга ҳаракат қилдик. Республикамиздаги ва ислом ахлоқининг тарихини таҳлил қилган ҳолда, давлатимизнинг маънавий сиёсатидаги ўрни ҳақида сўз юритамиз.

Мавзунинг ўрганилиши даражаси. Мавзуни ёритишда Президент асарлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа илмий ва оммавий адабиётлардан фойдаландик.

Адабиётлар орасида Президентимизнинг маънавиятга оид асарлари катта аҳамиятга эгадир. Жумладан, И.Каримовнинг «Юксак манабият-енгилмас куч» –Т.: 2008 йил ва бошқа қатор асарларидан фойдаландик.

Республикамизда мустақиллик йилларида чоп этилган ҳар икки тариқатга оид бир қатор китоблар, рисоаларга ва илмий мақолаларга, ИНТЕРНЕТ сайтларидаги хабарларга таяндик.

Ишнинг амалий аҳамияти. Мазкур битирув-малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан “Тасаввуф ахлоқи” курси, “Ислом ахлоқий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар”, “Диншунослик”, “Маданиятшунослик», “Маданият ва санъат тарихи” фанларидан маъруза, реферат, курс ишлари ёзишда, семинар машғулотларига тайёргарлик кўришда фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ўрта мактаблардаги ижтимоий фанлардан сабоқ бераётган ўқитувчиларга ёрдамчи материал сифатида фойдаланиш учун тавсия этиш мумкин.

БМИ тузилиши. Мазкур битирув-малакавий ишимиз: Кириш, уч боб, Хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб 74 бетни ташкил этади.

I- БОБ. ИСЛОМ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

1.1. Ислом ахлоқий қадриятларнинг моҳияти ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни.

Ҳар қандай жамият ривожланиш ва тараққиёт йўлини танлар экан, ўз олдига муайян мақсадлар ва вазифаларни қўяди. Зеро, бу мақсад ва вазифалар жамият, халқ, миллат тараққиёти маданий, маънавий, таълимий, тарбиявий ва ғоявий жараёнлар узвийлиги асосида амалга ошиши ўз-ўзидан аён ҳақиқатдир. Соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро, озод инсонни вояга етказиш ҳам ана шу вазифалар сирасига кириб, бу масалани ечмай туриб, Ўзбекистоннинг буюк келажагини куриш мушкулдир. Зотан, ҳар бир шахс жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларини ўзида уйғунлаштирувчи куч сифатида, маънавий бой ўтмиш меросдан озуқа олиб, буюк келажакка шахдам қадамлар билан бориши лозим. Бу жараёнда эса ҳар бир жамият аъзосининг олдида бир қанча вазифалар туради.

Ана шундай ҳаётий заруратга айланган вазифалардан бири-халқимизнинг бой тарихий ва маданий меросини ўрганиш, ислом ахлоқий қадриятларни тиклаш, унинг ижобий томонларини ҳозирги кунимиз ҳаётига тадбиқ қилиш, ундан унумли фойдалана билишимиз заруратидир. Шунингдек, халқимиз, айниқса ёшларимиз онги ва қалбида «Биз кимнинг авлодларимиз?», «Биз ўзимизнинг буюк аجدодларимизга лойиқ ҳаёт кечиряпмизми?» каби саволларга тўғри, мос жавоб бериши орқали уларни буюк келажак қурувчиларига айлантиришимиз керак.

Бой тарихимиз қаъридан бизларга ҳалигача йўлчи юлдуз, маёқ вазифасини ўтаётган аждодларимиз меросига яна такрор ва такрор мурожаат этиш, уларни ижодида куйланган юксак инсоний фазилатларни эгаллашга ўрганишимиз керак. Бу жараёнда эса халқимизнинг умуминсоний ахлоқий

кадриятларга тўла мос келадиган ислом ахлоқий кадриятларимиз асосида тарбиялаш жараёни янада яхшиланишига олиб келади.

Истиқлол халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда илгари ишлатилиб келган кўпгина ислом ахлоқий тушунчаларни ҳаётимизга қайтарди. Эндиликда «ахлоқий кадриятлар», «мустақиллик», «ислом ахлоқий ифтихор», «ислом ахлоқий ғурур» каби кўплаб тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлиб бормоқда.¹ Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бундай атамаларни қайта тикланиши ва илмий жамоатчилик ва кенг халқ оммаси орасида тез оммалашиб кетиши, теран илдиз отишида Президентимиз И.А. Каримовнинг хизматлари бекиёсдир. Унинг асарлари ва нутқларида мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан, ислом ахлоқий кадриятларимиз, маданиятимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг тикланиши, ислом ахлоқий ғурур, ислом ахлоқий ўзлигимизнинг англашимизнинг тобора юксалаётганлигини фахр ва ифтихор билан қайд қилиниб келмоқда. «Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг маданий ва маънавий мероси ниҳоятда теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб ислом ахлоқий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айтиш чокда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлигидан мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг ислом ахлоқий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуқлиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади»², деб таъкидлайди Президентимиз.

Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, «кадрият», «ахлоқий кадриятлар» тушунчалари жуда сермазмун ва кўп қиррали тушунчалардир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчаларга турлича ёндашуларни

¹ Тўланов Ж. Кадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998. -9-б

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: 1995. - 140-б

учратишимиз мумкин. Масалан, «Фалсафий энциклопедия»да ахлоқий қадриятлар қуйидагича тавсифланган: «Қадрият фалсафий ва социологик тушунча. У, биринчидан, бирор объектнинг ижобий ва салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив белгиловчи-баҳоловчи жиҳати (субъектив ахлоқий қадриятлар ва онг ахлоқий қадриятлари) ни ифода этади. Шунга кўра объектив (ашёвий) ва субъектив (онг) ахлоқий қадриятлари бир-биридан фарқланади»³.

Шу фикрга яқинроқ нуқтаи назар бошқа манбада ҳам қайд этилган: «Қадрият – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча... Ахлоқий қадриятларни мазмуни ва характериға кўра прогрессив ав реакцион типларға ажратиш мумкин»⁴.

Демак, қадрият деганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи керак.

Ахлоқий қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Ахлоқий қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарсa ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра аста-секин, субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа сифатида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжлари қондирилиши натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият деб аташ ноўриндир.

Ахлоқий қадриятлар ўзларининг моҳиятиға кўра бир неча турларға бўлинади. Жумладан, юқорида таъкидланганидек, инсон ва унинг ҳаёти энг

³ Философская энциклопедия. -М.: 1970, т.5. – с.462

⁴ Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14-жилд. -Т.: 1980, 7-б

олий қадриятдир. Инсон йўқ жойда бирор бир нарсанинг кадр-қиммати ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам инсон кадр-қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлиғини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади.

Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислохотларнинг барчаси кишилар ҳаёти фаровон, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис қилиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир⁵.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, «Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар мана шу олий мақсадга эришишга-ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган»⁶.

Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий ахлоқий қадриятлар катта аҳамият касб этади. Табиий ахлоқий қадриятларга ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон замини хилма-хил қазилмаларга бой. Ер юзасига яқин ётган қазилмаларнинг аксарияти очилган ва улар халқ хўжалигининг, фан ва техниканинг, халқимизни турмуш даражасини орттиришнинг хизматидадир.

Табиат табиий ресурсларнинг манбаидир. Табиат биз учун моддий неъматларнинг бош манбаи сифатида ҳам, соғлиқ, шодлик, турмушга меҳр-муҳаббатнинг ва ҳар бир кишидаги маънавий бойликларининг битмас-туганмас омили сифатида ҳам ўзининг беқиёс аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Инсонга ҳеч бир қадрият ўз-ўзидан, «осмондан тушгандек» берилмаслиги аёндыр. Инсон меҳнати, ҳатти-ҳаракати, ақл-заковати билан яратилган «иккинчи табиат», яъни турли-туман моддий бойликларни

⁵Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: Ўзбекистон, 1998. –13-б

⁶ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 247-248- б.

яратади. Ана шундай меҳнат натижасида юзага келган заводлар ва фабрикалар, ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, асбоб-ускуна, тураржой, мол-мулк, иншоот ва шу кабилар моддий ахлоқий кадриятлар ҳисобланади.

Маълумки, моддий ахлоқий кадриятларнинг асосини жамиятимизнинг моддий-техника базаси ташкил этади. Инсоният жамиятининг ҳар бири ўзига хос моддий-техника базасига эгадир. Улар бир-бирларидан сифат жиҳатидангина фарқ қилади. Ўзларининг мақсадлари, функция ва вазифалари билан улар бир хилдадирлар.

Моддий ахлоқий кадриятларнинг негизини мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Инсоннинг ҳаётида маданий-маънавий ахлоқий кадриятлар катта ўрин эгаллайди. Унга илмий-техникавий ва интеллектуал имкониятлар, маориф, таълим-тарбия, тиббий хизмат, ислом ахлоқий мерос, турли шаклларда намоён бўладиган маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, халқ хунармандчилиги маҳсулотлари, ноёб тарихий ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва ҳоказолар киради.

Марказий Осиё азал-азалдан илм-фан ва маданиятнинг, адабиёт ва санъатнинг марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлкада етишиб чиққан буюк мутафаккирлар жаҳон илм-фани ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас асарлари билан ижодий бойитиб, юқори чўққига кўтардилар. Бутун маданий оламга таниқли олимлар, мутафаккирлар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива сингари муҳташам шаҳарлар яратувчилари бўлмиш улуғ аجدодларимизнинг ижодиёти ўзининг улуғворлиги ва гўзаллиги билан ҳозиргача ҳаммани лол қолдирмоқда.

Ислом ахлоқий кадриятлари кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, Ватанга нисбатан тарихан таркиб топган муносабатларини

ифодалайди. Ахлоқ муайян хулқ-атвор, одоб, хатти-ҳаракат, норма, қоида ва тамойиллар мажмуасидир. Ислом ахлоқий тушунчаларга яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, шаън (ор-номус), бахт, адолат, идеал кабилар киради.

Жамият тараққиётида, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий ахлоқий қадриятлар алоҳида ўрин тутди. Ижтимоий-сиёсий ахлоқий қадриятлар ичида энг зарурийлари - эркинлик, тенглик, биродарлик инсоният томонидан ҳамиша эъзозлаб, қадрланиб келганлар.

Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шухрати ва қадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу тўғрида шундай сўзлар ёзилган; «Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади»⁷.

Жаҳон халқлари томонидан умумэътироф этилган, «Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси»га мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир инсоннинг фуқоролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланган, фуқароларнинг бурчлари белгилаб қўйилган.

Ижтимоий-сиёсий ахлоқий қадриятлар ичида истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик алоҳида аҳамият касб этади.

«Кўп миллатли жамиятимизда,- дейди И.Каримов,- ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганлиги мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи бошланғич босқичида қўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди»⁸.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2004. 11-б.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 167-б.

Ахлоқий қадриятлар амал қилиш доирасига кўра ислом ахлоқий, минтиқавий ва умуминсоний турларга бўлинади⁹.

Ислом ахлоқий қадриятлар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётини барча томонларини қамраб олади.

Инсонинг қайси миллатга мансуб эканлиги ҳақидаги тасаввури фақат ғоягина эмас, балки туйғу ҳамдир. Бу туйғу кишида миллатнинг тарихи, руҳияти, ҳозирги ҳолати ва хусусиятини тушуниш, ҳис қилиш шаклида мужассамлашган бўлади. Инсонда ислом ахлоқий онг ва ғурур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг ислом ахлоқий қадриятларни англашини тасаввур қилиш қийин. Токи, миллатлар, ислом ахлоқий мафкуралар мавжуд экан, ислом ахлоқий муносабатлар ҳам, ислом ахлоқий ҳис-туйғулар ҳам, ислом ахлоқий қадриятлар ҳам сақланиб қолаверади. Айрим тадқиқотчилар «ислом ахлоқий ғоя» атамасининг «ижтимоий ғоя»га жуда яқин эканлигини кўрсатадилар¹⁰. Миллатни ислом ахлоқий қадриятлардан маҳрум қилишга уриниш тарих ва инсоният олдидаги энг катта жиноятдир.

Ҳар бир руҳан соғлом кишида ўз кадр-қимматини сақлаш, ўзини ҳурмат қилиш туйғуси мавжуд. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолатни кўрамиз. Миллатларнинг ўз-ўзини англаш жараёни такомиллашган сари ислом ахлоқий манфаатлар ҳам, ислом ахлоқий қадриятлар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Ислом ахлоқий қадриятларнинг эъзозланиши ва кучайиб бориши зинҳор ислом ахлоқий маҳдудликка, ислом ахлоқий худбинликка, манманликка олиб келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам бу масалада хушёрлик, назокат, инсоф, диёнат, бағрикенглик, саҳоват талаб қилинади.

⁹ Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. –23-б

¹⁰ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т., 2004, 7-б

Зотан, ислом ахлоқий қадриятларнинг ўзи айна пайтда минтақавий ёки умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг узвий қисми сифатида намоён бўлади.

Амал қилиш доирасига ахлоқий қадриятлар бир неча гуруҳга бўлинишини кўрсатган бўлсак ҳам, бу жойда фақат ислом ахлоқий қадриятларнинг моҳияти ҳақида тўхталиб ўтдик. Чунки, минтақавий ахлоқий қадриятлар ҳам, умуминсоний ахлоқий қадриятлар тушунчалари ҳам ўта кенг маънодаги тушунчалар бўлиб, уларни тадқиқ этиш бизнинг мақсадимиз эмас.

Ахлоқий қадриятларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни бекиёсдир. Ахлоқий қадриятлар жамиятимизнинг бойлиги, бизнинг ислом ахлоқий ифтихоримиз. Уларни авайлаб асраш ва муҳофаза қилиш-барчамизнинг бурчимиздир. «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир»¹¹, деб ёзиб қўйилган Конституциямизда.

Ислом ахлоқий қадриятларга ҳурмат билан қараш- миллатнинг ўзига ҳурмат билан қарашнинг асосий бўғинидир. Минг йиллар мобайнида шаклланган ислом ахлоқий қадриятларимиз ҳозирги даврда яратилган маданий-маънавий бойликлар билан қўшилиб тараққиётимизни тезлатади, ғоявий ва маънавий покланишни таъминлашга кўмаклашади. Шунинг учун ҳам ахлоқий қадриятларни авайлаб асраш, уларни қўриқлаш, юксалтириш алоҳида инсон ҳаётида ҳам, жамият тараққиётида ҳам катта аҳамият касб этади.

Жамиятнинг энг олий маҳсули ва қадрияти бўлмиш инсоннинг ахлоқий қадриятларга муносабати ҳеч қачон бир текис бўлган эмас. Бир томондан, инсон ахлоқий қадриятлар бунёдкори сифатида қанчадан-қанча моддий ва маънавий ахлоқий қадриятларни юзага келтирган бўлса, иккинчи томондан, у мавжуд ахлоқий қадриятларга ёвузларча муносабатда бўлиб, уни талон-тарош ҳам қилиб келган. Буни биз инсоннинг табиий-моддий ахлоқий қадриятларга бўлган муносабатларида яққол кўришимиз мумкин.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2004. 18-б

Инсон учун табиий ахлоқий қадриятлар билан бир қаторда ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ислом ахлоқий қадриятлар ҳам катта аҳамият касб этади.

Башарият кўп минг йиллик тарихи давомида эркин, бахтли ва гўзал ҳаёт кечириши учун зарур бўлган хилма-хил ахлоқий қадриятларни яратди, инсон, унинг ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қиладиган қонунлар, сиёсий ташкилотларни бунёд этди. Инсоннинг гўзал яшаши учун зарур бўлган бадиий-эстетик ахлоқий қадриятларни ривожлантирди, кишиларнинг бири-бирига ва жамиятга бўлган муносабатларини белгилаб берадиган ислом ахлоқий қоидалар мажмуасини жорий этди ва ҳоказо. Мазкур ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ва ислом ахлоқий қадриятлар жамият тараққиётида салмоқли ўрин эгаллаб, кишиларнинг инсоний фазилатларини юксалтиришда катта хизмат қилиб келган ва ҳозир ҳам хизмат қилиб келмоқда. Лекин шу билан бир қаторда, инсон ўзи яратган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, ислом ахлоқий қадриятларни кўп ҳолларда поймол қилиб келаётганлигини ҳам тан олишимиз керак. Қонунбузарлик, ахлоқсизлик, миллатимизнинг урф-одат ва анъаналарига зид келувчи ҳатти-ҳаракатларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар ичида авж олиб кетаётгани бунга мисол бўла олади. Буларнинг олдини олиш ҳозирги кунда жамиятимиз олдида кўндаланг турган долзарб вазифадир.

Кишиларнинг ахлоқий қадриятларга истеъмолчи ёки кузатувчи сифатида қараш кайфиятидан ҳоли этиб, аксинча, уларни янада кўпайтириш, юксалтириш пайида бўлишларига эришишга алоҳида эътибор бериш керак. Маълумки, ҳаётда ҳеч бир нарса абадий эмас. Бу ахлоқий қадриятларга ҳам тааллуқлидир. Шундай экан, уларни доимо бойитиб, ривожлантириб, кўпайтириб, янгилаб турмоғимиз даркор.

Ахлоқий қадриятлар жамият ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий аҳамиятга эга. Улар ўтмиш билан ҳозирги кун ўртасидаги ворисийликни ифодалайди, шу туфайли миллатнинг тарихи, унинг ўтмиш ҳаёти, маданияти гавдаланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир сиёсий тузум, ҳар

бир давлат ахлоқий қадриятлардан ўз мақсади, манфаати йўлида фойдаланиб келинган ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда. Ахлоқий қадриятлар ўз-ўзидан бевосита инсоннинг маънавий қиёфаси, турмуш тарзи, умуман, жамият иараққиётини белгилай олмайди. Ахлоқий қадриятларнинг аҳволи, аҳамияти, инсонга кўрсатаётган таъсири, унинг истиқболи у ёки бу жамиятдаги ижтимоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёсат, унинг манфаатлари билан узвий боғлангандир.

Бу сўзларимизнинг исботи сифатида ўзбек халқи, унинг ҳаётида ислом ахлоқий қадриятларнинг турли джаврларда турлича ўрин тутганлиги, айниқса, мустақиллик йилларида ислом ахлоқий қадриятларнинг том маънода кадр топганлиги билан исботлашимиз мумкин.

1.3. Мустақиллик ва ислом ахлоқий қадриятлари.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг халқимизнинг азалий ахлоқий қадриятлари қайта тикланди, янгида кўз очди ва тараққий эта бошлади.

Ўтган асрнинг охирида жаҳон ижтимоий-сиёсий тараққиётида юз берган туб ўзгаришлар икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатни бузиб, жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.

Тарих олис йўлни босиб ўтган бўлса-да, сўнгги XX аср ўзининг ўзгаришларга бойлиги, кашфиётлари ва таҳдидлари билан ўтган асрлардан анча ўзиб кетди. Булардан социализмнинг инқироzi ва мустақил давлатлар, жумладан Ўзбекистоннинг ташкил топиши ҳам катта аҳамиятли воқеалар сирасига киради. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эътироф этилгач, собиқ сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий тизимлардан воз кечилди. Тарих эски тизим умрини яшаб бўлганлигини кўрсатди. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида изчиллик асосида ислохотлар ўтказила бошлади. Ўзбекистон бошқарувнинг демократик йўлини танлади, иқтисодиётда бозор муносабатлари шакллана бошлади, ислом ахлоқий қадриятлар билан бир қаторда умуинсоний ахлоқий қадриятларнинг тикланишига ва жамиятда амал қилинишига асос яратилди. Бу жараёнлар дунёга «тараққиётнинг ўзбек модели» номи билан танилди. Узоқ вақт дунёдан айри, узилган ҳолатда яшаган халқ дунёга эркин чиқиш, эркин муносабатларда бўлиш, зўравонликдан ҳоли муҳитга мослашиш имкониятларига эга бўлди.

Халқимиз иқтисодий ва маънавий ўзгаришларни бошдан кечириб, аста-секин ижтимоий муносабатларнинг жиддий қонунларини ўрганиб борапти. Дунёнинг илғор мамлакатлари бозор муносабатларига анча илгари қадам қўйган ва катта тажриба тўплаган. Халқимиз улар тажрибасидан жуда кўп нарсa ўрганиш имкониятига эга. Биздан олдин бозор иқтисодиётига асосланган жамият йўлига кўплар ўтган ва улардан нималарнидир ўрганишимиз мумкин. Ўзбекистоннинг сўнгги ўн йилдаги ўзгаришлари

кўлами ўзининг асрларга тенглиги билан ҳам кишини ўзига тортади. Бозор муносабатлари асосида шаклланган иқтисодиёт ҳозирги давр талаби, тараққиётнинг мезони. Иқтисодиётимизда янги бозорга хос муносабатлар шаклланиб борапти. Биз чет дунё билан фаол алоқага киришдик.

Булар ислом ахлоқий маънавиятимиз, ислом ахлоқий қадриятларимиз тизимига акс таъсирини кўрсатмаслиги йўлида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Чунки бозор шароитида ислом ахлоқий муносабатлар, ислом ахлоқий қадриятлар ва умуман миллат маънавиятига таҳдид соладиган кучлар, ўзгаришлар мавжудлиги кишини ўйлашга мажбур қилади. Инсонларнинг жуда оз қисми ўз ақл-идроки билан яшайди, қолган аксарият қисми, ўзлаштириб олишга мойиллиги билан ажралиб туради. Бу айниқса кейинги пайтларда ғарбча кийиниш, фикрлаш, ўзаро муносабатларда ёшлар ўртасида кенг ёйилаётганлиги билан яққол кўзга ташланаяпти.

Бугунги бизни олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ёшлар тарбияси бўлиб, уларда ислом ахлоқий онг, ислом ахлоқий ғурурни шакллантириш, ислом ахлоқий қадриятлардан муҳофаза қуроли сифатида фойдаланиш лозимдир. Халқимиз жуда бой маънавий мерос яратган, аجدоддан авлодга етиб келган бу ахлоқий қадриятлар, адолатли ҳакам вақтнинг синовидан ўтган. Агар улардан қисқа ўн-ўн беш йилда воз кечилса жуда катта маънавий йўқотиш юз берган бўлар эди. Инсонни жисман йўқотадиган атом ва иссиқлик қувватидан ташқари ичдан инсонийликни таг-томири билан йўқотиб юборадиган хатар, ҳалокат маънавий таназзулдир.

Миллатнинг қиёфасини, ўзлигини белгилайдиган, унга миллат сифатида қувват берадиган ахлоқий қадриятларни асраш, уларга суяниш керак. Бугун миллатнинг маънавий соғломлиги масаласи ҳар доимгидан кўпроқ эътибор беришни талаб қилаётир. Республика Президенти И.Каримов таъкидлаганидек: «Халқимизнинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган ислом ахлоқий мустақиллик мафкураси умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказиш, уларни

Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбиялаши ҳалолликни, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоғи лозим»¹².

Ўзбекнинг ислом ахлоқий қадриятлари ва ислом ахлоқий характерини белгилайдиган жуда кўп хусусиятлар мавжуд. Улар оилага муносабат, ота-онага ҳурмат, болага меҳр, ор-номус, уят, андиша, туғилган ерга меҳр, қўни-қўшничилик ва бошқаларда кўринади. Халқимизда уят, ор-номус ўлимдан кучли саналган. Афсуски, кўр-кўрона тақлидчилик, маданий ислом ахлоқий таъқиқларни назар-писанд этмаслик, калондимоғлик билан ўзиникидан юз ўгириб, ўзгаларнинг усти ялтироқ, ичи қалтироқ нарсалари кетидан югуриб юриш ҳоллари ҳозирги ўтиш даврининг хусусиятларидир. Бундай ҳолатларга қарши курашишда ислом ахлоқий қадриятлар муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши ва ислом ахлоқий тараққиёти, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар билан бирга кишилар маънавиятини янгилаш йўлидан боришни тақозо этади, бу вазифа эса баркамол инсонни етиштириш ғояси билан боғлиқ. Маънавий янгиланиш ислом ахлоқий қадриятлар орқали амалга оширилади. Маънавий янгиланиш жамиятнинг ҳар бир фуқаросига дахлдорлиги, у ҳар бир кишининг орзу истакларига, ҳаётий интилишларига мос келиши билан аҳамиятлидир. Маънавий янгиланиш билан ислом ахлоқий қадриятлар ўртасидаги диалектик алоқадорлик инсон, унинг манфаатлари, камолотга етишга қаратилган интилишлари орқали уйғунлашади. Шунинг учун маънавий янгиланиш объектив ва субъектив сабаблар боис унутилган тарихий-маданий ахлоқий қадриятларни қайта англаш ва қайта тиклаш, улардан ижтимоий тажрибада кенг фойдаланиш демакдир. Тарихий-маданий ахлоқий қадриятларни сўзда эътироф этиш етарли эмас, уларни ижтимоий тажрибага кенг жорий этиш ҳамда уларга замонавий руҳ бериб жонлантириш, маънавий-руҳий тарбиянинг ажралмас атрибутига айлантириш ҳам зарур.

¹² Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. 311 б.

Маънавий покланиш жараёни ислом ахлоқий қадриятлар билан бир каторда умуминсоний ахлоқий қадриятларни ҳаёт тарзи, ижодий тараққиёт, амалиёт ва кундалик турмуш мезонларига айлантириш билан боғлиқдир. Ушбу мезонлар қуйидаги йўналишларда намоён бўлади:

-жаҳон аҳли ва тараққийпарвар давлатлар билан маданий-интеграцион алоқалар ўрнатишда;

- ислом ахлоқий ва минтақавий ахлоқий қадриятларни асраш ва ривожлантириш учун иқтисодий, маданий, сиёсий ва алоқаларни кенгайтиришда;

- динлардаги умуминсоний ахлоқий қадриятлардан ислом ахлоқий маънавий тикланишда фойдаланишда;

- тараққиёт учун хавф туғдираётган деструктив ҳодисалар ва кучларга қарши курашиш учун тараққийпарвар кучлар билан бирлашишда;

-демократияни, унинг ҳаёт тарзига айланишини қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этишда;

-илм-фан, маърифат, таълим ва ахборот соҳасидаги очиқ ҳамкорлик қилишда.

Ушбу йўналишларнинг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, улар шахс маънавий оламига, ислом ахлоқий қадриятлар тараққиётга таъсир ўтказади. Бунда демократия, эрк, ҳуқуқнинг ҳам маънавий ҳаётдаги ўрни каттадир. Чунки, «ҳуқуқ ўзида умумий, хусусий ва алоҳида элементлардан иборат абстракт, ҳамда аниқроқ бўлган ислом ахлоқий хусусиятга эга ҳодисадир. Ҳуқуқ - умуминсоний ва ислом ахлоқий маданият ҳодисаси, унда у ёки бу цивилизация ўз аксини топади»¹.

Демак, демократия ва инсоний ҳуқуқ нормаларини қарор топтириш, уларни шахс ҳаёт тарзининг атрибутига айлантириш шахс маънавиятида умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг барқарор ўрин эгаллашини таъминлайди. Балки аксинча, демократия ва инсон ҳуқуқларига қарши ҳар қандай деструктив ҳодиса шахсни ҳам маънавий таназзулга олиб келади.

¹ Саидов А. Сравнительное правоведение. - Т.:Адолат, 1999. – С.454.

Халқимиз ҳаёт тарзидан жой олган ахлоқий қадриятлар ўзининг тарихий-маданий илдизига эга; улар узоқ тарихий ривожланиш, гоҳо кескин курашлар жараёнида синовдан ўтган, тобланган. Шунинг учун ахлоқий қадриятлар шунчаки эъзозланадиган, қайд этиладиган бойликлар, рамзлар, белгилар йиғиндиси эмас, улар келажакнинг тақдирига таъсир этувчи, у ёки бу тажрибани баҳоловчи, даврнинг мақсад ва режаларини белгилаб берувчи ўзига хос дастур ҳамдир.

Шахс маънавиятини шакллантириш масалалари, ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар масаласи ҳар доим Марказий Осиё мутафаккирларининг диққат марказида турган. Бироқ уларнинг маданий меросига таяниш мавжуд фикрларни шунчаки такрорлаш ёки шунчаки улуғлаш йўлидан эмас, балки уларни жамият, ёшлар дуч келаётган муаммолар билан боғлаб, янгича ёндашувларга таяниб олиб боришни тақозо этади.

Мустақилликка эришгач, республикамиз жаҳон ҳамжамияти ўртасида ўзига хос ўрин эгаллашга, ўзининг маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этишга интилоқда. Бу улуғвор мақсад ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларга содиқликни, уларни ички ҳаётга, кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий фаолиятига сингдиришни талаб этади.

Ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳақидаги аниқ тасаввурлар ёшларда жаҳон эътироф этаётган нормалар, тартибларга, ўз халқининг, шунингдек, бошқа халқларнинг маънавий бойликларини эгаллашга қизиқиш уйғотиши мумкин. Ёшлар жамият маънавий ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришларни чуқур ҳис этадилар. Уларда ислом ахлоқий қадриятларга ҳурмат билан қараш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни ўзлаштиришга қизиқиш юқоридир. Ёшлар умуминсоний ахлоқий қадриятларга айланган ишбилармонликка, тинчликни, тараққиётни асраш учун курашга ҳам бефарқ қарамайдилар. Улар ишбилармонликни моддий-иқтисодий фаровонликнинг асоси деб биладилар. Ёшларимизда Фарб

маданияти ва цивилизацияси, ижтимоий-сиёсий фикрлари билан чуқурроқ танишишга, улардаги янги ғоялар, ютуқлар ва бетакрор ёндашувларни ўрганишга хоҳиш кучли. Айнан ушбу истак уларни чет тилларни ўрганишга, Интернетдан фойдаланиб, ўз тенгқурлари билан алоқалар ўрнатишга ундамоқда. Демак, ёшлар маънавияти кенг ижтимоий, иқтисодий ва ижодий алоқалар ўрнатишга, жаҳон, айниқса Европа халқлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлишга йўналтирилган. Ота-оналар, давлат, жамият, қолаверса, бутун янгиланаётган дунё ёшлардаги ижодий интилишларни, улар ўртасидаги байналмиллаллик, ҳамкорлик, дўстлик, тараққиёт ғояларини кўллаб-қувватлаши лозим. Аммо мазкур жараёнлар ёшларимиз ҳаётида ислом ахлоқий қадриятларнинг ўрни бўшаб қолишига олиб келмаслиги керак. Шунинг учун ҳам мустақиллик йилларида мазкур соҳада бир қанча ишлар амалга оширилди ва амалга ошириб келинмоқда. бундай амалиёт эса қонуний равишда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

II- БОБ. БУЮК АЛЛОМАЛАР МЕРОСИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУАММОСИ

2.1. Шарқ қомусий олимлари меросида ахлоқий қадриятлар.

IX-XV асрлар Марказий Осиё халқларининг маданий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, ислом ахлоқий, фалсафий, диний таълимотлари ривожланишида кескин ўзгаришлар, туб бурилишлар юз берди. Бу маданий жонланиш ва юксалиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди, маънавий ҳаётни қамраб олди. Ана шу даврларда Марказий осий халқлари дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўратила олди. Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти тараққиётининг йирик ўчоқларидан бирига айланиши худди шу пайтларга тўғри келади.

IX асрнинг иккинчи ярмидан равнақ топа бошлаган, X –XII асрларга келиб эса мислсиз натижалар берган, буюк маданий юксалиш ва тараққиётнинг шарт-шароитлари, асосий сабаблари, манбалари, ҳал қилувчи қатор омиллари бор эдики, уларни ўрганиш, илмий тадқиқ қилиш ва баҳолаш ривожланган ўрта асрларда ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларга бўлган муносабатни кўрсатиб беришга ёрдам беради.

Маданият ва маънавиятнинг жадал суратлар билан тараққий этиб боришини ҳаётий заруриятга айлантирган асосий сабаблардан бири – Марказий Осиё халқларининг Эрк, Адолат, Ҳақиқат, Мустақиллик учун араб ва мўғул босқинчиларига қарши олиб борган курашларидир¹³.

Марказий Осиёда чет эл босқинчилари ҳукмронлигининг тугатилиши ва ислом ахлоқий мустақил давлатларнинг барпо этилиши натижасида феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг, ички ва ташқи савдо алоқаларининг, хунармандчиликнинг ривожланиши, илм-фан ва маданиятнинг, фалсафанинг равнақ топиши ислом ахлоқий қадриятларнинг тикланиши ва такомиллашиб

¹³ Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. –108-б

боришига кенг шароит яратилди. Бу даврда мамлакат ичидаги ўзаро урушлар камайди. Бухоро, Урганч, Марв, Шош, Самарқанд ва бошқа йирик шаҳарларда ҳунармандчилик, касибчилик анча тараққиётга эришди. Буларнинг ҳаммаси ўз ўрнида маданият ва фаннинг ривожланишига олиб келди.

Жамият тараққиёти ўртага қўйган талаблар ҳамда мавжуд шарт-шаротит туфайли IX-XV асрларда Марказий Осиёда, шунингдек, Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданият чинакамига гуркираб яшнади, бу давр “Ренессанс”-Уйғониш даври номини олди¹⁴.

Уйғониш даври мутафаккирлари ўзларининг қомусийлиги-бир пайтнинг ўзида ҳам файласуф, ҳам мусиқашунос, ҳам математик, ҳам мантиқшунос, социологи, филолог, ҳам тарихчи ва табиатшунос, ҳуллас, фаннинг барча соҳаларида етуклиги билан ажралиб турадилар. Бу сиймоларнинг яна бир ўзига хос жиҳатлари – бир пайтнинг ўзида деярли барча мутафаккирлар бир неча тилларни мукаммал билагаликлари, бир неча тилдаги манбалардан фойдалана олганликлари, таржималар қила олганликларидир. Бу эса ўз ўрнида ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг уйғунлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга олиб келди.

Буюк мутафаккирлар томонидан чуқур илмий асосланган илмий ғоя ва таълимотлар фақат улар яшаб ижод этган давр учунгина эмас, балки келажакни олдиндан башорат қилиш, табиий, ижтимоий вақеа ва жараёнларни олдиндан айтиб бера олиш нуқтаи назаридан ҳам бебаҳодир. Донишманд боболаримизнинг илмий-фалсафий таълимотлари тор ислом ахлоқий қобикқа ўралиб қолган эмас, балки ҳам ислом ахлоқий, ҳам умуминсоний, умумбашарий аҳамиятга эга бўлган таълимотлардир. Яна шу нарса диққатга сазоворки, Шарқ мутафаккирларининг деярли ҳаммаси ўз даврининг қайноқ ҳаёти марказида бўлишди, амалий ишларда фаол иштирок этишди, элим, халқим, юртим дея яшашди. Бу уларнинг ҳақиқий комил инсон, баркамол шахс, оташин ватанпарвар, халқпарвар ва буюк аллома

¹⁴ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971, 9-б.

эканликларидан далолат беради. Биз қуйида Марказий Осиё уйғониш даври мутафаккирларининг айримлари ижодида ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар муаммосининг ёритилиши ҳақида тўхталиб ўтамиз. Таъкидлаш керакки, маънавият, ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар муаммоси, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақидаги фикрларни Форобий, Ибн Сино, Беруний, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Мансур Мотурудий, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Паҳлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Бобур каби мутафаккирларимизнинг ижодидан кўплаб келтириш мумкин.

Мусо ал-Хоразмий (783-850).

Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад ал-Хоразмий VIII асрнинг охири ва IX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган. У дунё фанининг тараққиётига катта ҳисса қўшган, алгебра фанининг асосчисидир. Унинг “Астрономик жадваллар”, “Қуёш соати ҳақида рисола”, “Ҳинд ҳисоби ҳақида рисола”, “Устурлоб ҳақида рисола”, “Зиж”, “Муסיқа бўйича ривола”, “Тарих бўйича рисола” ва бошқа кўплаб асарларида инсоният тараққиётида ислом ахлоқий қадриятларнинг ўрни, Ю ёш авлодни тарбиялашда ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг муҳим ўрин тутиши ҳақида фикрлари келтирилган. Бу асарларнинг ўзиёқ Хоразмийнинг имлий тафаккури кенг, қомусий аллома эканлигидан далолат беради¹⁵.

Муҳаммад Мусо ал Хоразмий нафақат машҳур математик, табиатшунос аллома, балки машҳур файласуф сифатида ҳам маълум ва машҳурдир.

Хоразмий дунёдаги нар бир нарса ва ҳодиса моҳиятида ўзаро бир-бирини инкор этадиган, шунингдек, бир-бирини тақозо этадиган томонлар борлигини асослаб беради. Тараққиёт ана шу қарама-қаршилик орқали амалга ошади, дейди мутафаккир. Мусо Хоразмий дунёқарашида ижтимоий-фалсафий масалалар, хусусан, жамият ва унинг истиқболи ҳақидаги фикр-

¹⁵ Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). -Т.: 2001. – 39-40 б.

мулоҳазалар алоҳида ўрин эгаллайди¹⁶. Жамият тараққиётида илм-фан ва маданиятнинг, одоб-ахлоқнинг, ислом дини, шариат қоидаларининг катта ўрин тутиши ҳақида аллома томонидан баён этилган фикрлар ҳозирги кун учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Одамларнинг ақлини пешлаш. Иймон-этиқодини мустаҳкамлаш, руҳан поклаш ва кишилар ўртасидаги инсоний муносабатларни мустаҳкамлашда фан ва маданиятнинг, ислом ахлоқий ва умуминсоний, шунингдек, диний ахлоқий кадриятларнинг муҳимлиги ҳақидаги фикрлари алоҳида аҳамиятлидир.

Буюк ватандошимиз Муҳаммад Мусо ал Хоразмийнинг нодир асарлари, яратган таълимотлари, ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳозирги кун ёшлари учун битмас хазина, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш учун ғоявий қурол бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

Форобий (873-950).

Абу Наср Форобий нафақат Марказий Осиё ва Шарқнинг, балки бутун дунёнинг асрлар оша эътироф этилиб, бениҳоя катта ҳурматга сазовар бўлиб келаётган буюк мутафаккири, қомусий олими, машҳур файласуфидир.

Арастудан кейин фалсафа оламида, хусусан, Шарқда унга тенг келадиган аллома чиқмаганлигидан Форобийга «Иккинчи муаллим» кунyasi берилганлиги ҳам унинг тафаккури қанчалик кенг бўлганлигини асослайди.

Форобий ўзининг сермахсул илмий ижодида ўз давридаги маълум фанларнинг деярли барчасига оид асарлар яратиб, уларда фундаментал тадқиқотлар ва натижаларга эришди, фалсафанинг барча соҳалари билан шуғулланди. Форобий дунёқарашининг якунловчи қисми, сўнгги мақсади – инсон жамоаси, инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг кутган орзу-умидлари, инсоний муносабатлар, умуминсоний ахлоқий кадриятларнинг устуворлигига эришилган фуқаролар жамиятини қуриш масалаларидир, деб кўрсатади М. Хайруллаев¹⁷.

¹⁶ Тўланов Ж. Кадриятлар фалсафаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. –115-б

¹⁷ Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971, 246-б.

Фаробий асарларининг кўп қисми таълим, фалсафа, билимларни ўзлаштиришнинг физиологик ва психологик асосларини назарий ўрганишга қаратилган. Унинг фикрича, сезги органлари юрак, мия инсон туғилган вақтда мавжуд бўлади, бошқа ҳамма нарсалар ақлий ва ислом ахлоқий хусусиятлар, характер хислатлари, билим инсоннинг ўз фаолияти мобайнида ҳосил бўлади. Фаробийнинг яна бир буюк хизмати шундаки, у инсонларни бахтли тўғри яшашни уқтиради, билимларни эгаллашга ундайди.

Фаробий ижтимоий ҳаёт, жамият ва унинг тараққиёти масалаларида ҳам, жамият тараққиётида ахлоқий қадриятларнинг ўрнини кўрсатишга ҳаракат қилди, чуқур фалсафий масалаларни ўртага ташлади. У ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асрида ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У мазкур нарсаларни бир ўзи қўлга кирита олмайди, балки бу жараёнда ўзига ўхшаган кишиларнинг, яъни жамиятнинг ёрдамига муҳтож бўлади. Бу ишда етук жамият, идеал давлат ҳақидаги фикрларни ривожлантириб, аллома инсон ва инсоният тараққиётида жамият аъзоларининг биргаликда, бир ёкадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозимлигини уқтиради. Идеал жамият аъзолари эса нафақат ислом ахлоқий, балки умумбашарий қадриятларнинг ҳам ўрнини тўғри тушуниши, ёшларга таълим ва тарбия бериш жараёнида ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар муштараклигига эришиш кераклигини кўрсатади¹⁸.

Фаробий инсонларни ўзаро ҳамкорликка чақиради, дунёда ягона бир бутун инсон жамоаси тузиш ҳақида орзу қилади. Албатта, бу жамоада ислом ахлоқий ва умумбашарий ахлоқий қадриятлар уйғунлигига эришилган, уларнинг интеграциялашуви интенсивлашган бўлади, дейди аллома. «Бахт-саодатга эришув ҳақида» рисоласида Фаробий давлатни ҳар томонлама етук, ўзида энг яхши инсоний фазилатларни намоён қилган кишилар ёрдамида бошқариш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама етук аҳолини илм ва маърифатга олиб боровчи идеал жамият ҳақида фикрни олға

¹⁸ Хайруллаев М. Абу Наср Форбий. -Т.: 1961. – 39-40 б

суради. «Фозил одамлар шахри» асарида у давлатни бошқараётган шахс, ҳоким Оллохдан бошқа ҳеч кимга бўйсунмаслиги кераклигини уқтириб, давлат бошлиғи эга бўлиши керак бўлган ўн икки фазилат ҳақида қимматли фикрлар билдирган.

Аллома таъкидлаганидек, давлатни бошқараётган киши аввало, соғлом бўлиши, ўзига юкланган вазифаларни бажаришда бирор нуқсон халал бермаслиги лозим. Иккинчидан, шаҳар ҳокими табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, илғаб олиши зарур. У англаган, кўрган, эшитган, идрок қилган нарсаларини хотирасида тўлиқ сақлаб қолиши керак, яъни хотираси ўта кучли кишигина шаҳарга ҳоким бўлиши мумкин. Ундай киши, юқоридагилардан ташқари, билим, маърифатга ҳавасли, ўқиш-ўюганишдан асло чарчамайдиган, таом ейишда, ичаиликда ўзини тия биладиган, ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёмонлардан жирканадиган бўлиши лозим. У ўз қарини билувчи, номус ва ориятли. Улуғ, олий ишларга интиладиган, мол-дунё кетидан қувмайдиган, табиатан адолатпарвар, жабрланганларга мадад берадиган бўлиб, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъият, сабот, журъат ва жасоратлик кўрсатиши, кўрқоқлика йўл қўймаслиги зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ўрта асрларнинг буюк мутафаккири, улуғ ватандошимиз Абу Наср Форобий ўзининг сермуҳсул ижодида барча соҳаларда қилган ижодида алоҳида эътибор билан жамиятни ўрганди. У инсон ва инсоният бахтли яшаши учун юксак ислом ахлоқий фазилатларга эга бўлиши, шунингдек, ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларга амал қилиб яшаши лозимлигини асослаб берди, инсон, унинг ҳаёти энг олий қадрият эканлигини, унинг манфаатларини ёқлаш ҳар қандай жамиятнинг энг збиринчи вазифаси эканлигини кўрсатди. Президентимиз И. Каримов ҳақли таъкидлаганидек, «ислом ахлоқий тараққиётимизнинг тақдири олий қадрият саналган инсон, унинг эркинликлари, ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари таъминланганлигига, мустақил фикрлаши, ақлий заковат билан

руҳий-маънавий салоҳиятни ўзида уйғунлаштира олишига кўп жихатдан боғлиқдир»¹⁹.

Беруний (973-1048).

Хоразмлик буюк қомусий тафаккур эгаси Абу Райҳон Беруний жаҳон фани ва маданиятини юксалтиришда жонбозлик кўрсатган ватандошларимиздандир.

Беруний бутун кучи, ҳаёти, ақл-идроки ва тафаккурини илм ва фан асосларини ўрганишга сарфлади. У ўзини қизиқтирадиган масалаларни синчиклаб ўрганиб, моҳиятини билиб олишда ҳеч эринмаган, ҳафсаласи ниҳоятда кучли бўлган. Шунинг учун Шарқда Беруний ҳақида осойишталикни машаққатдан, кечани кундуздан ажратмаган, куни қалам ушлашдан, мияси фикрлашдан, тили баён этишдан ҳеч қачон чарчамаган, ўз таҳсили ва камолоти учун йилнинг ҳамма кунларини берган, деган гап тарқалган. У билим ва тафккури тимсоли бўлган.

Илм замон иқболидир. Илмнинг инсон ҳаёти ва фаолиятидаги ўрни ҳақида Абу Райҳон Беруний шундай деб ёзади: “Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. Айниқса ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларнинг, дунёнинг зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларни турли илмлар учун бўшатиб қўяди. Демак, олимларнинг қалби буни севиш учун яратилгандир ”.

Тенглашадиган олимни учратмаган. Олим дунёқарашининг кенглиги, илмий қизиқишлари фаннинг ғалабаси учун тинимсиз кураши олим номига абадийлик муҳрини босади.

¹⁹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ. // Халқ сўзи, 2005, 10 декабр

¹⁹ Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. –125-б

Берунийнинг ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида бир қанча асраларида фикр билдирган. Айниқса, унинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида Марказий Осиё ҳудудида яшаган халқлар, уларнинг урф-одат ва анъаналари, тили, дини, тафаккури. Хуллас, ислом ахлоқий қадриятлари ҳақида бебаҳо маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, «Ҳиндиятон» асарида у ҳинд халқининг анъаналари, дини, урф-одатлари ҳақида кўплаб маълумотлар берибгина қолмасдан, бу ахлоқий қадриятларни ўз халқи, шунингдек, ислом мамлакатлари халқлари ахлоқий қадриятлари билан таққослаган, тегишли умумлашмалар ва хулосаларга келган.

Беруний барча фанларнинг келиб чиқишини ҳам инсон ҳаётининг эҳтиёжи билан боғлайди, илмий ахлоқий қадриятларнинг олий қадрият – инсонга хизмат қилиши лозимлигини уқтиради. У илмни диндан ажратиб ўтганиш тарафдори бўлиб, илмий ва диний ахлоқий қадриятларни қориштириб юборишга қарши туради. Илмий ахлоқий қадриятларнинг асосини тажрибага боғлиқ эканлигини таъкидлаши билан бирга, назарий билимларни ҳам рад этмайди²⁰.

Беруний тарихий ҳодиса ва жараёнларни билишда инсон ёлғон-яшиқларга, нотўғри маълумотларга, юзаки хабарларга асосланмасликни, масалаларни ҳар тарафлама, мукаммал билиш, уларни қиёсий ўрганиш зарурлигини айтиб ўтган.

Берунийнинг жамият, унинг истиқболи келажак сари ривожланиб боришида меҳнатнинг, илм-фан, маданият ва маънавиятнинг, инсон омилининг роли ва аҳамияти борасидаги билдирган фикр-мулоҳазалари ҳам бебаҳодир; олим ақл, меҳнат, эркин танлаш инсон ҳаётини ва ижтимоий ҳолатини белгилайди, деган. Инсон ўзидан бошқаларнинг ҳам бахт-саодатини ўйлаши зарурлиги ҳақида гапириб, «Жавоҳирот» асарида ёзади: «Инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат. Шунинг

²⁰ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: 1997. –240-б.

учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади. Инсон ўз хохишига меҳнат билан эришади»²¹.

Беруний жамият тараққиётини фан тараққиёти билан боғлайди. Илмий ахлоқий кадриятлар диний ва ислом ахлоқий кадриятларнинг даражасини белгилайди, улар инсониятни фақат эзгуликка етаклайди, дейди аллома.

Ибн Сино (980-1037).

Марказий Осиё илк уйғониш даврининг етук олимларидан бири Абу Али Ҳусайн ибн Синодир.

Ибн Сино қисқагина умри давомида уч юздан ортиқ асарлар ёзганлиги маълум. Унинг асарлари илм ва фаннинг барча соҳаларига оиддир. Қомусий олимнинг асарларини илмлар тармоғи бўйича тақсимланганда, ўрта асрларда маълум бўлган барча фанларни санаб чиқишга тўғри келади.

Ибн Сино ўзининг илмий фаолияти давомида ёзган асарлари билан Марказий Осиё халқлари маданиятини дунё маданиятининг олдинги каторига олиб чиқди. Шунинг учун уни «Шайхур-раис»-яъни «Олимлар раиси» деб атаганлар. Унинг асосий асарлари – Шифо китоби, Донишнома, тиб қонунлари, нажот китоби кабиларда ислом ахлоқий ва умуминяоний ахлоқий кадриятлар, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Биз учун айниқса, Ибн Синонинг ахлоқий кадриятлар ва таълим-тарбия соҳасидаги қарашлари қадрлидир. У тарбияга ақлий, жисмоний, эстетик, ислом ахлоқий тарбияларни ўз ичига олган жараён сифатида қарайди. Етук, мукаммал инсонни тарбиялаш – бу бир кунлик иш эмас, бола тарбиясига алоҳида эътибор бериш қарашлигини уқтиради.

Ибн Сино ўзининг ахлоқ тўғрисидаги фикрларида ислом ахлоқий фазилатларни улуғлади ва ислом ахлоқий иллатларни, ёмонликларни кескин қоралади. Хусусан, у инсоннинг кундалик амалий ишларидаги энг зарурий ислом ахлоқий муносабатларга, камтарлик, иззат-ҳурмат, жасурлик,

²¹ Усмонов Б., Боқиев Ф. Фалсафа фанидан ўқув-услубий мажмуа. – Гулистон, 2005. – 35-б.

тўғрилиқ, софдиллик каби хулқий қоидаларга алоҳида эътибор берди. Инсоннинг жамоада ўзини тутиши, оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, жамиятдаги турли табақаларнинг ўзаро муносабатлари, инсоннинг камолотида, унинг жамиятда тутган ўрнида ислом ахлоқий қадриятларнинг ўрни унинг асарларида алоҳида ёритилди²². Унинг ислом ахлоқий фикрлари одил фуқаролик жамияти ҳақидаги фикрлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ибн Сино ўзининг кўп тармоқли сермахсул илмий ижоди, бой мероси билан жаҳон маданияти тараққиётида катта ўрин тутди. У ўз ижоди билан Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги юқори маданий кўтаринкилик, маданий уйғонишнинг маънавий ютуқларини мужассамлаштира олди, бу билан бутун Шарқ ва Европадаги маърифат, маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Марказий осие Уйғониш даври маданиятининг буюк алломалдари. қомусий билим эгалари ўзларининг давридаги барча илмлар билан шуғулландилар. Улар инсон. Жамият, уларнинг ўзаро муносабатларида ахлоқий қадриятларнинг бекиёс ўрнини кўрсата олдилар. Бундан ташқари, мутафаккирлар ижодида ислом ахлоқий қадриятларниг умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан уйғунлиги, ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг фойдалари кўрсатиб берилди. Шунингдек, қомусий олимлар инсон маънавий камолотида халқ, миллат, жамиятнинг ўрни бекиёс эканлигини асослаб бердилар.

Ҳозирги кунда буюк келажакни қурувчилари бўлмиш ёшларни тарбиялаш жараёнида, уларни ислом ахлоқий истиқлол ғоялари ва ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашда қомусий олимлар меросидан фойдаланиш ҳар қачонгидан ҳам қимматлидир.

²²Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: 1971. 284-б.

2.2. Марказий Осиёлик исломшунослар ижодида ахлоқий қадриятлар.

Президентимиз И.А. Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ ислом ахлоқий қадриятларимизни тиклаш, уларни тўлалигича келажак авлодга етказиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Шу билан бирга, ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, одамлар онги ва қалбига сингдириш юртимизнинг келгуси тараққиёти учун муҳим эканлигини айтган эдилар.

Ўзбек халқи азалдан дин ва диёнатни чуқур эҳтиром қилиб келган, уни ўзининг яловбардорига айлантирган халқлардандир. Юртимизда етишиб чиққан заковат эгалари нафақат дунёвий, балки диний илмларни эгаллаш, уларни қадрият даражасига кўтаришда чексиз хизмат қилдилар. Ислом дини, тасаввуф таълимоти араб мамлакатларида пайдо бўлган бўлса ҳам, уларнинг камолотга етишишига Марказий Осиё ҳудудидан етишиб чиққан мутафаккирлар бекиёс ҳисса қўшганликларини жаҳон илмий жамоатчилиги тан олган.

Ислом таълимотининг маърифий, инсонпарварлик ғоялари билан ёшларимизни баркамол қилиш орқали мустақиллик руҳида тарбиялаш, дунёвий билимлар билан бирга диний таълимотнинг ижобий томонларини ўргатиш асосида уларни комил инсон қилиб тарбиялаш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидандир. «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўғитларлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»²³, -дейди И. Каримов.

Ҳозирги замон ёшлари тарбияси тўғрисида гапирар эканмиз, бу жараёнда ислом ахлоқий қадриятлар билан бир қаторда диний ахлоқий қадриятларнинг имкониятлари, айниқса, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини

1 Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Т.: Ўзбекистон, 2000 . 12-бет.

англаш орқали шахснинг ўзида ижобий сифатларни тарбиялаш борасидаги бой ва кучли таъсир воситаларидан унумли фойдаланиш жуда муҳимлигини таъкидлаш зарурдир. Ҳақ йўлига ундаган умумбашарий ахлоқий кадриятларни ардоқлаб ўрганишимиз, ҳалоллик, бунёдкорликка ундаган покиза, ростгўй, меҳр-шафқат одамийлик, ватанпарварлик, халқпарварлик руҳидаги таълимотдан ёшларни тарбиялашида фойдаланиш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш лозим. Шу билан бирга бу иш хайрли ва савоб ҳамдир. Аммо диндан ёшларни тарбиялаш сифатида фойдаланиш уни ягона таълимот учун эмас, балки унинг ижобий томонларидан ўзликни англаш сифатида фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, Қуръон ва ҳадисларда баён қилинган қатор инсоний сифатлар-сабр-тоқат, эҳсон, саховат, ўзгалар, ота-она, қўшниларга меҳр-оқибат, фарзанднинг ота-она, Ватан олдидаги бурчи ва уни бажаришда фидойилик қилиш, иродали бўлиш, ўзини тоблаш ва ўзини тийиш, ўз-ўзини тарбия учун ҳам зарур воситалар ҳисобланади.

IX асрдан бошлаб мусулмон ўлкаларида ҳадисшунослик, ҳадисларни тўплаш ва таснифлаш, уларни тартибга солиш диншунослик, исломшуносликнинг энг муҳим йўналишларига айланди. Тўрланган ҳадисларнинг ҳажми. Чинлиги, тартиб, аҳамияти билан мусулмон оламида олти муҳаддис мушхур бўлдилар. Улардан учтаси Марказий Осиёликдир.

Муҳаддислар ичида энг обрўли ва машҳури ҳамюртимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. У ҳадисшуносликда етуклик даражасига етганлигида «Ҳадис илмида амирал мўъминийн» деган номга сазовар бўлган²⁴. Имом Бухорий 810 мелодий йилнинг 20 июлида Бухорода туғилган. Илм олиш ва уни ошириш мақсадида у жуда кўп олимлардан таҳсил олган.

Имом ал Бухорий нафақат йирик олим, балки ўзининг гўзал хулқ-атвори, инсонпарварлиги, мурувватлилиги, ҳимматли ва беқиёс саховатлилиги билан бошқалардан тамомила ажралиб турган. У зеҳни

²⁴ Маънавият юлдузлари. -Т.: 2001. - 64-65 бб.

ўткирлиги ва қобилиятининг ўта кучлилиги билан ҳам халқ ва илмий жамоатчилик орасида шуҳрат қозонган. Манбаларда Имом ал Бухорийнинг 600 000 га яқин ҳадисни ёд билганлиги қайд этилган²⁵.

Имом ал Бухорий авлодларга бой ва қимматли илмий мерос қолдирган бўлиб, унинг қаламига мансуб асарларнинг сони йигирматадан ортиқдир. Улардан «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ», «Ал-адаб ал-муфрад», «Тарихи сағийр», «Тарихи авсат», «Тарихи Кабийр», «Китоб ал-илал», «Барр ул волидайн», «Асами ус-саҳоба», «Китоб ал-куна» ва бошқаларини кўрсатиш мумкин. Бу асарларида аллома диний ва илмий ахлоқий қадриятларнинг инсон камолоти, жамият тараққиётида тутган ўрнига асосли баҳо берган. Бундан ташқари, мутафаккир бобомиз ёш авлодни тарбиялаш, тарбия жараёнининг муаммолари ҳақида ҳам кўплаб флкр-мулоҳазалар, амалий тавсиялар берган.

Марказий Осиёлик яна бир исломшунос олим Имом ат-Термизийдир. У 824 йилда Термизда таваллуд топган. У имом ал-Бухорий, имом Муслим, имом Абу Довуд, Исҳоқ ибн Мусо ва бошқа устозларидан турли билимларни ўрганди, кейинчалик ўзи ҳам буюк муҳаддис «Саҳиҳи Ситта»ларнинг бири бўлиб етишиб, ўзининг билимларини бир қанча асарлари ва шогирдларида қолдирди²⁶. Ат-Термизий шогирдларидан Макхул ибн ал-Фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд, Анбар, Ҳамал ибн Шокир, Абд ибн Муҳаммад ан-Насафий, ал-Маҳбубийларни санаб ўтиш мумкин. Ат-Термизий мелодий 892 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида вафот этган ва дафн этилган²⁷.

Ўз ижодий ва илмий фаолияти даврида ат-Термизий бир қанча асарлар яратдики, уларнинг аксарият қисми бевосита ҳадис илмига бағишланган. Унинг қаламига мансуб асарларнинг кўпчилиги бизгача етиб келган. «Ал-Жомеъ», «Ҳамоили набавийя», «Ал-илал фил ҳадийс», «Ат-тарих», «Китоб ул асмо ва куня», «Китоб аз-зуҳд» кабилар шулар жумласига киради. Унинг асарлари ичида энг улуғи ва кераклиси, шубҳасиз, «Ал-Жомеъ»дир.

²⁵ Уватов У. Донолардан сабоқлар. -Т.: 1994. –9 б.

²⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 1 жузъ. Муқаддима. –Т.: 2004. – 165-167 б.

²⁷ Маънавият юлдузлари. -Т.: 2001. – 69 б.

Манбаларда бу асар яна бир қанча номлар билан аталиб, машҳурроғи «Сунани Термизий»дир.

Ўзининг машҳур асарларида имом ат-Термизий инсонлар камолотида ҳадисларнинг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатиб берди. Айниқса, «Шамойили набавийя»-«пайғамбарнинг ўзига хос ҳислатлари» асарида у Муҳаммад (а.с.)ни идеал тарзида кўрсатади. Жамият тараққиётида комил инсон-идеал шахнинг ўрни мислсиз эканлигини таъкидлайди. Инсон ва жамият тараққиётида умуинсоний ахлоқий қадриятлар – ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик билан бир қаторда Термизий ислом ахлоқий қадриятларнинг ўрнини ҳам алоҳида ажратиб кўрсатган. Шунингдек, ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш жавраёнида диний ахлоқий қадриятларнинг ўрни беқиёс эканлигини асослаган. Имом ат-Термизийдек буюк аجدодларимиз олдида қарздор эканлигимизни чуқур англашимиз, уларнинг асарларини ўрганишимиз мустақиллигимиз туфайлигина мумкин бўлди.

Абу Мансур Мотурудий (ваф. 945).

Ислом оламининг буюк назариётчиси Абу Мансур ал-Мотурудий сунний эътиқодидаги икки йирик эътиқодий оқимлардан бири ўлган мотурудиянинг асосчисидир.

Ал-Мотурудий фикҳ ва калом масалалари билан қизиқиб, ҳанафий мазҳаблари олимларида дарс олиб ўз билимларини оширади. Шу вақтда кўплаб машҳур муҳаддислар ва фақиҳлар билан мулоқотда бўлиб, илмий мунозараларда қатнашади. Олган билимлари натижаси ўлароқ у кўплаб асарлар ёзган, аммо уларнинг кўп қисми бизгача етиб келмаган, борлари ҳам чет эл кутубхоналарида сақланмоқда. Мавжуд адабиётларни таҳлил қилиб, Мотурудийнинг қуйидаги асарлари рўйхатини келтириш мумкин: «Китоби Тавҳид», «Китоби Мақомат», «Каъбий залолатларнинг бошланишини рад этувчи китоб», «Муътазила ғавғолари ва ундан қўрқмаслик ҳақида китоб»,

«Таъволот китоби», «шариат асослари», «Китоб ал-жадал»(Диалектика китоби), «Китоби усул»²⁸.

Ал-Мутурудий ислом оламида жуда нозик саналган «тавҳид китоби» асари бизнинг кунимизгача етиб келган. У 1970 йилда Байрутда нашр этилган. Мутурудий суннийликнинг тўртта асосий мазҳаблари асосчиларининг асарларини ўрганиб чиқди, уларнинг таҳлил қилди, фикҳ ва каломга оид асар ёзди: «Таъвилот аҳли сунна» ёки бошқача номи «Таъвилоти Қуръон». Мазкур асари билан аллома ўз даврида бўлаётган кўплаб дини ихтилофларга барҳам бера олди. Шунинг билан бирга Мутурудий номи билан ёзилган бир неча сохта асарлар ҳам маълумдир. Масалан, «Фавоид», бошқа номи «Панднома», «Китоби усул», «Катта фикҳ шарҳлари» ва бошқалар. Бу ҳолат ҳам Мутурудийнинг диний илмлар намоёндалари орасида қанчалик машҳур бўлади.

Ал-Мутурудий ўзидан сўнг кўплаб шогирдлар қолдирди. Шогирдлари ўз устозларининг таълимотларини давом эттиришганлиги туфайли ханафия мазҳаби ичида ишончли бўлган, кўплаб тарафдорларга эга бўлган Мутурудия оқими вужудга келди.

Ал-Мутурудий ўз даврининг диний ахлоқий қадриятларини кўка кўтара олган, даврида, ундан кейин ҳам ўта кучли ҳурматга, обрў ва эътиборга эга бўлган алломадир. Айтиш керакки, унинг асарлари нафақат дин ва диний масалаларга, балки бошқа мавзуларга ҳам бағишланган. Хусусан, унинг «Жонворлар ҳақида рисола»си овчи қушларни боқиш, уларни сақлаш, уларнинг турли навлари, халқнинг овчи қушларни ўргатишдаги тажрибаси, ислом ахлоқий қадриятлар ҳақида нодир маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 декабрда қабул қилган қарорига биноан 2000 йилда алломанинг 1130 йиллиги кенг нишонланганлиги, давримизнинг, мустақил Ўзбекистонимиз ҳукумати ва Президентининг буюк бобокалонимизга чексиз эҳтиром ва

²⁸ Маънавият юлдузлари. -Т.: 2001. – 87-88 б.

хурматининг исботидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «ўтмиши буюк халқнинг келажаги ҳам буюк бўлиши шубҳасиздир».

Бурҳониддин Марғиновий (1123-1197) ислом оламининг буюк алломаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, буюк фақиҳ Али ибн Абу Бакр ибн Абд ул-Жалил ал Фарғоний ар-Риштоний ал-Марғиновий 1123 йилнинг 23 сентябрида туғилган. У Қуръонни, ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, фикҳ-ислом ҳуқуқшунослиги борасида бениҳоя чуқур илмга эга бўлганлиги ва бу соҳада бекиёс дурдоналар яратганлиги билан «Бурҳон уд-дин вал милла» номини олган.

Бўлажак олим дастлабки таҳсилни Марғилонда олган, кейинчалик Мовароуннаҳрнинг ўша даврдаги диний ва маърифий маркази бўлган Самарқандга кўчиб борган ва умрининг охиригача шу ерда яшаган²⁹. У ёшлигиданок Қуръонни тўлиқ ёд олиб, ҳадисларни чуқур ўрганган.

Балоғат ёшига етганида мукаммал илмга эга бўлганлигига қарамай, устозларидан таълим олишни давом эттирди. 1149 йилда у Ҳаж сафарига борди. «Китоб ул машойих»-Шайхлар ҳақидаги китобида у ўзи таълим олган 40 дан ортиқ устозлари номини тилган олгин. Кейинчалик, у фикҳга қизиқиб, даврнинг етук фақиҳларидан ҳам таълим олган.

Марғиновий ислом динидаги суннийларнинг асосий тўртта мазҳаби асосчиларининг асарларини чуқур ўрганади, уларни таҳлил қилиб, ўзи ҳам фикҳга оид асар ёзган. Унинг бизгача етиб келган асарларидан «Бидоят ул-мунтаҳий»-«Бошловчилар учун дастлабки дарслик», «Кифоят ул-мунтаҳий»-«Яқунловчилар учун тугал таълим», «Нашр ул-мазҳаб»-«Мазҳабнинг ёйилиши», «Китоб ул-мазид»-«Илмни зиёди қилувчи китоб», «Маносик ул-ҳаж»-«аҳж маросимлари», «Мажма ул-навозил»-«Нозил бўлган нарсалар тўплами», «Китобул фароиз»-«Фарзлар китоби» ва бошқалар маълум.

Марғиновийнинг бутун ислом оламига маълум ва машҳур бўлишига сабаб булган шоҳ асари – «Ҳидоя» 1178 йилда Самарқандда ёзиб тугатилган. Мазкур асарнинг ёзилиши ҳақида муаллифнинг ўзи ўз олдига қўйган мақсади

²⁹ Хайруллаев М. Марказий Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т.: 1994. – 49-50 б.

сифатида фикҳга оид, унчалик ҳажми катта бўлмаган, аммо, мавжуд мусалаларни тўлиқ қамраб оладиган асар яратиш эканлигини айтиб ўтган. Кейинчалик бу асарнинг ўзи мусулмон ҳуқуқи – фикҳ бўйича энг аниқ, изчил мукаммал асар сифатида тан олинди ва янги давргача мусулмон мамлакатларидан фикҳдан дарслик сифатида ишлатилди.

Айтиш керакки, Марғиновий «Ҳидоя» асарида ҳуқуқий масалаларни ечиш билан бир қаторда жамият тараққиёти, инсон камолоти ва инсоният тақдирида ахлоқий қадриятларнинг ўрни ҳақида ҳам баҳс юритган. Чунончи, фикҳий асослардан бири қилиб «Урф»нинг тан олиниши ҳам нафақат Марғиновийнинг, балки бошқа фақиҳ олимларнинг ҳам ислом ахлоқий қадриятлар масаласига эҳтиёткорона муносабатда бўлганликларини ифодалайди. Урф усули, бирор масалада фақиҳ ёки қози масаланинг ечимини аввалги усуллардан, яъни Қуръон, Ҳадис, Ижмоъ, Қиёс кабилардан ўхшаши топилмаганда мазкур усулни қўллайди. Яъни масаланинг ечими қайси ҳудудда бўлаётган бўлса, шу ерда қабул қилинга одат, урф, ислом ахлоқий қадриятлар асосида ечилади³⁰.

«Ҳидоя»да ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб йирик фикҳ олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифлар эътирозлари ёки қўшилишларини баён этиш йўли билан берилган. Бу ҳолат ҳам Марғиновийнинг илм йўлида қарама - қаршиликларни тўғри кўрсатиш, улар орасидан тўғри йўлни топа олиш зарурлигини уқтирганлигини кўрсатади. Ана шу обрўли муаллифлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян масалада энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Шу тариқа унда қонуннинг айнин ифодасигина эмас, балки унинг мукаммал шарҳи ҳам асослаб келтирилган.

«Ҳидоя» кўп асрлар давомида кўплаб мусулмон мамлакатларида, жумладан, Марказий Осиёда ҳам ҳуқуқшунослик бўйича энг асосий қўлланма ҳисобланиб, бу ерда 1917 йил инқилобидан кейин ҳам, то 1930 йилларгача, яъни шариат қозиликлари бекор қилиниб, совет суд системаси

³⁰ Батафсилроқ қаранг: Абдурахмон Халлоф. Усул ул фикҳ. Т.: 1996.

жорий қилингунча амалда бўлиб келди. Ҳозирги кунда ҳам ислом шариати асосида иш юритадиган мусулмон мамлакатлари ҳуқуқшунослигида бу асардан кенг фойдаланилади³¹.

Ўзбекистонинг мустақилликка эришуви туфайли исломий ахлоқий кадриятлар, диний мавзудаги меросимизга эътибор кучайди. Жумладан, шариат, фикҳга оид асарларни ўрганиш, бу соҳадаги бой меросимизни нашр эттириш имконияти вужудга келди. Ватандошимиз Бурҳониддин ал-Марғиновийнинг «Ҳидоя» асари ҳам ислом юриспруденциясида машҳурлигини назарга олиб, унинг 1- китоби Тошкентда 1994 йилда нашр қилинди.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 2000 йилда Марғиновийнинг 910 йиллик таваллуд санаси кенг жамоатчиик томонидан тантанали равишда нишонланди.

³¹ Маънавият юлдузлари. -Т.: 2001. – 146-147 б.

III- БОБ. ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ИСЛОМ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎРНИ.

3.1. Ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг мақсади ва вазифалари.

Юртимиз истиқлолга эришганидан сўнг ахлоқий қадриятларга муносабатда туб бурилишлар, ўсиш, тараққиёт амалга оширила бошлади. Комил инсонни тарбиялаш, келажак авлодни ислом ахлоқий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари асосида тарбиялаш куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Ислам ахлоқий истиқлол ғоясининг олий мақсади – Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқ фаровонлиги ғояларига таянган ҳолда, халқимизни мустақилликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратишга сафарбар этишдир.

Ислам ахлоқий қадриятларнинг жамият ҳаётида мавқеини кўтаришдан асосий мақсад Ўзбекистон заминида истиқомат қилаётган барча кишиларни миллати, дини, тили, касб-кори, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ягона мақсад йўлида бирлаштиришни, бутун халқ иродасини ижтимоий муаммоларни оқилона ҳал этиш учун йўналтиришни, уларда келажакка ишонч руҳини тарбиялашни кўзда тутати.

Бугунги кунда кимнинг ахлоқий қадриятларга, айниқса, ислом ахлоқий қадриятларга эътибори кучли, мақсади аниқ, мафкураси ҳаётий бўлса – ўша ғалаба қозонади. Бу – инсониятнинг кўп асрлик тарихидан келиб чиқадиган муҳим хулосалардан биридир. Ана шу сабабдан ҳам ислом ахлоқий қадриятлар халқнинг туб манфаатлари ва мақсадларини ўзида ифода этади, жамият аъзоларини шу мақсад атрофида жипслаштиришга хизмат қилади.

Бу ҳақда Президентимиз Ислам Каримов: «Маънавий ахлоқий қадриятларнинг тикланиши уларнинг дунё ва ахборот цивилизацияси ахлоқий қадриятларига мосланишини ҳам англатади.

Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий ахлоқий қадриятлар жумласига ҳуқуқий жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган ахлоқий қадриятларни киритамиз. Бу – инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳоказолардир»³², деганлар. Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, ислом ахлоқий қадриятлар ҳеч қачон умуминсоний ахлоқий қадриятларни инкор этмайди. Аксинча, улар ўзаро бир-бири билан диалектик боғлиқликда амал қиладилар. Шу маънода ислом ахлоқий қадриятлар асосида ёшларни тарбиялаш уларни жаҳонда тан олинган умуминсоний ахлоқий қадриятларга интеграциялашувига олиб келади.

Президентимиз ислом ахлоқий истиқлол мафкурасининг бош мақсадини қуйидагича белгилайди: «Халқни буюк келажаги ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқарони ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашга чорлаш, аجدодларимизнинг бебаҳо мероси, ислом ахлоқий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айлантириш – ислом ахлоқий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир».

Ислом ахлоқий қадриятларни дунёда мафкуравий зиддиятлар кескинлашган даврда вайронкор кучлар томонидан мақсадга эришишнинг энг ёвуз воситалари босқинчилик, террорчилик, қўпоровчилик каби барча ваҳшийликларга қарши ғоявий қурол сифатида қўллаш мумкин. Уларга муносиб зарба бериш учун ҳам инсонда юксак эътиқод, ватанпарварлик, мардлик ва фидойилик каби олижаноб фазилатлар, ислом ахлоқий қадриятлар тизимига содиқлик шаклланган бўлиши керак. Ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбия жараёни айнан ана шундай фазилатларни шакллантиришга қаратилгандир.

³² Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўлсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: 1998. 147-б.

Ўз умрини ўтаб бўлган эски ижтимоий-сиёсий тузумдан бутунлай янги бир тузумга ўтиш даврида ислом ахлоқий қадриятлар халқни маънавий, рухий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, унга суянч ва таянч бўлади, одамларда келажакка ишонч уйғотади. Чунки одамлар бу ахлоқий қадриятларнинг асосий томонлари ва қирралари мисолида ўз ҳаётий манфаатлари ва орзу-умидлари ифодасини кўради. Ислом ахлоқий қадриятлар жамиятда ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг ўзига хос дастуриламали бўлиб хизмат қилади. Гарчанд бу ахлоқий қадриятлар одамларни бугунги муаммоларини ҳал этиш учун жисплаштириш ва сафарбар этиш зарурати туфайли юзага келса-да, у узоқ истиқболни кўзлайди.

Ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг асосий вазифалари унинг ўз олдига қўйган бош мақсадидан келиб чиқади. Биринчидан, ёшларни ислом ахлоқий урф-одатлар, анъаналарнинг ижтимоий тараққиётдаги ўрнини, умуминсоний ахлоқий қадриятлар тизимида интеграциялашуви жараёнидаги аҳамиятини кўрсатиш биринчи вазифадир. Иккинчидан, одамларимизда, айниқса ёшларимизда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш – ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаш асосий вазифаларидан биридир. Мустақиллик йилларида ислом ахлоқий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, ундан зарур хулосалар чиқаришга эътибор берилгани бежиз эмас. Чунки мустақилликнинг кадр-қимматини теран ҳис этиш учун, аввало, тарихни билмоқ, мустамлакачилик даврида халқимиз бошига тушган синовларни юракдан ҳис этмоқ учун улуғ аجدодларимизнинг озодлик йўлидаги жасоратидан хабардор бўлиш керак. Зеро, тарихни билмай туриб, ислом ахлоқий қадриятнинг фалсафий негизларини англаб бўлмайди. Ислом ахлоқий қадриятлар ўзида халқнинг ҳаётий манфаатлари ва интилишларини акс эттиради. Ватанга муҳаббат ҳисси одамнинг қалбида табиий равишда туғилади. Яъни инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур

бўлса, туғилиб ўсган юртга, ўз халқи ва миллатига, ислом ахлоқий қадриятларга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади³³.

Ислом ахлоқий қадриятлар ёш авлод ҳаётига янгича маъно ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий қарашларни шакллантиради. Чунки ёшлар мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасини ислом ахлоқий қадриятларни тиклаш ва уларга ҳурмат билан қараш, ислом ахлоқий қадриятларнинг жамиятнинг ҳар бир аъзосининг онги ва қалбига сингдириш жараёнида кўрадилар.

Донишманд халқимизнинг «Куч – бирликда», «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» сингари мақолларида ифода этилган ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг ислом ахлоқий қадриятга асосланган ғоя эканлиги моҳиятини англаш, халқимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик, фидойилик, қонунларни ҳурмат қилиш, иймон-эътиқодлилиқ каби олижаноб фазилатларни тарбиялашда ҳам ислом ахлоқий қадриятлар тизими муҳим аҳамиятга эга.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун фидойилик туйғуси аجدодларимиздан бизгача етиб келган буюк мерос, ислом ахлоқий қадриятдир³⁴. Широқ, Тўмарис, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур сингари улуғ саркарда ва халқ қаҳрамонларининг жасорати бугунги кунда ҳам ватандошларимизда фахр ва ислом ахлоқий ғурур туйғусини кучайтиради.

Ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаш жараёнида амалга ошириладиган барча вазифалар охир-оқибатда ягона мақсад– Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг ватанпарвар, миллатпарвар, ислом ахлоқий қадриятларга содиқ, умуминсоний ахлоқий қадриятларнинг мазмун-моҳиятини англаган, юртимизни озод ва обод этиш, фаровон жамият қуришга хизмат қиладиган ёшларни тарбиялашдан иборат.

³³ Тиллаев С., Инсопова Г. Замон, мафкура ва ёшлар. // Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. –Т.: 2002. –47 б.

³⁴ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т., 2004, 88-б

Ислом ахлоқий қадриятлар ёш авлодни тарбиялашнинг бекиёс омилидир. Чунки у, юртбошимиз айтганидек, «халқнинг, миллатнинг ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган ўлмас эътиқодидир».

Хулоса ўрнида айти ўтиш керакки, ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг вазифалари бир қанча бўлиб, биз уларнинг айримиларинигина кўриб чиқдик. Мазкур вазифалар ислом ахлоқий қадриятларнинг ўзидек кенг қаровли ва серқирралигидан, ундан кўзланган мақсад ва вазифалар ҳам серқирра, кенг қамровли ва хилма-хилдир.

Ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашдан кўзланган бош мақсад, ундан келиб чиқадиган вазифаларни кўриб чиққандан сўнг, ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг омиллари кўриб чиқамиз.

Ислом ахлоқий қадриятлар халқимиз фарзандларини ислом ахлоқий манфаатлар устуворлиги билан боғлиқ онг, руҳ, тафаккурни тарихий, диний, мафкуравий, ғоявий, анъаналар, урф-одатлар асосида тарбиялашга қаратилгандир.

Ислом ахлоқий қадриятлар масаласида бир томонламаликка йўл қўймаслик, бир томонга урғу бериб иккинчи томоннинг муҳимлигини унутиш маънавий-маърифий тарбияга зарар келтириши мумкин. Аслида ислом ахлоқий қадриятда халқнинг минг йиллик тажрибаси, эътиқоди, орзу-истаклари, инсонпарварлик ва ватанпарварлик асослари ифодалангандир. Шунинг учун улар ўртасидаги мувозанатни бузмаслик муҳим аҳамиятга эгадир. Албатта, ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар ўртасида муайян нисбий фарқ сақлангани ҳолда уларни умумий мақсад йўлида яхлит дунёқарашни ўзида ифода этадиган кенг маънодаги маънавий-маърифий восита деб қарамоқ зарур.

Ёшлар онгига ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларни фақат «тушунча», «тамойил» сифатида эмас, балки уларни тарбиявий дастур сифатида, яъни халқни эски тузум тарбияси, тафаккур тарзи, мафкурасидан халос қилиш, бозор муносабатларига асосланган демократик ахлоқий

кадриятларни тарғибот қилишга йўналтирилгандир. Янги ғоя фуқароларда кўпроқ эркин, мустақил онг, тафаккур тарзи, индивидуал тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилгандир³⁵. Ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий кадриятлар ёшларни ва умуман халқимизни халқни маърифатли қилишга қаратилгандир. Улар миллатни тарихий бирлик сифатида ривожланишига, ўзлигини англаш жараёнида беқиёс аҳамият касб этиб, кучли таълимий ва тарбиявий восита, омилдир.

Ёшларни ислом ахлоқий кадриятлар асосида тарбиялашнинг, мазкур тарбия омилларининг тарихий, маънавий, назарий-методологик асосларига алоҳида эътибор бериш зарур. Унинг тарихий асосини миллатни ижтимоий тарихий бирлик сифатида ўтмиш ва ҳозирги замон тараққиёт хусусияти; маънавий асосини миллат ўтмишини сақлаб келаётган тили, анъаналари, урф-одатлари, маданий бойликлари, умуман ўтмишдаги бой мероси ҳамда ҳозирги илмий-техник салоҳияти ташкил этади. Шунингдек, мустақиллик ахлоқий кадриятлари унинг таркибий қисмидир.

Назарий-методологик асосини «Авесто»дан тортиб ўрта аср алломалари ижтимоий, фалсафий мероси, маърифатпарварлар, жаидларнинг қарашлари, мустақиллик ахлоқий кадриятлари, илм-фан ютуқлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ғоялар, билимлар ташкил этади. Шунингдек, Президентимизнинг асарлари, маъруза ва турли учрашувларда сўзлаган нутқларида миллат, халқ, ислом ахлоқий онг, ислом ахлоқий кадрият, ислом ахлоқий ғурур ҳақида билдирган концептуал фикрлари ҳамда мамлакатимиздаги фаолият кўрсатаётган файласуф, жамиятшунос олимларининг илмий тадқиқотлари ҳам унинг таркибий қисмини ташкил этади.

Ҳозирги замон фалсафасининг асосий масаласи инсон ва унинг дунёдаги ўрни ва ролини тушунтириш бўлса, ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий кадриятлар асосида тарбиялашнинг асосий масаласи ўзбекистонликлар ўз давлати, ўз жамияти, ўз миллатининг моҳияти, мақсадини тушунишга ва

³⁵ Норбоев А. Ғоялар тарғиботида тушунчалар муносабати // Миллий истиклол ғояси тарғиботининг илмий асослари. –Т.: 2002. –44 б.

унинг фидойиси, ватанпарвари бўлишга чорлайди. У ҳар бир инсоннинг ҳаёт мазмуни, бахт-саодати бевосита унинг ўзига боғлиқ эканлигини англашга, унда иймон-эътиқод бутлиги, ироданинг мустаҳкамлиги, илмий дунёқарашнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлайди.

XX асрнинг йирик социологи Макс Вебер жамиятдаги ўзгариш ва ислохотларда ғоя ва ахлоқий қадриятларнинг роли иқтисодий омилдан кам эмаслигини, ҳатто шароит, вазиятга қараб ундан юқори бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган эди³⁶. Ҳақиқатдан ҳам ислом ахлоқий анъана, урф-одат, ахлоқий қадриятларимиз инсон ички руҳиятни мустаҳкамлаш, уни узоқни кўра оладиган стратегик тафаккур ва ахлоқ эгаси бўлишга даъват этади.

Демократик ахлоқий қадриятлар тараққиёт тушунчаси фақат давлат, жамиятга хос ҳодиса ёки жараён эмас, балки, энг аввало, индивид, шахс, оилага дахлдор жараён, ҳодисадир, деб йўналтиради. Чунки одамлар онги, тафаккури, дунёқараш ривожланмасдан, одамлар ўзлари бой бўлмасдан туриб давлат, жамият ривожланмайди. Эски тузум мафкураси одамларга фақат давлат доирасида фикр юритиши ва фаолият кўрсатиши учун ҳаракат қилган бўлса, шаклланаётган янги тузум шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини идеалдан амалиётга айлантиришга қаратилгандир.

Ёшларни ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг яна бир хусусияти одам ўз фаолиятини руҳий ҳаяжон, ҳистуйғуга эмас, балки ақл-идрок, илм, тафаккур, маънавият, маърифат, бағрикенглик асосига қуришга даъват этади. У моҳият-мазмуни, муддао-мақсадига кўра ислом ахлоқий, дунёвий, замонавий, демократик характерга эга маънавий-маърифий ва ислом ахлоқий, тарбиявий дастурдир.

Унинг ислом ахлоқийлиги давлат маъноси ва даражасида бўлиб, мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакилларининг умумий манфаатларини ифода этади. Унда ижтимоий, дунёвий маъно-мазмун ва йўналиш ҳамда ислом ахлоқий манфаатлар устувордир. Унинг демократик

³⁶ Гуннар Скирберкк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. -Т.: 2002. –648 б.

характер ва йўналиши этник ва диний гуруҳларнинг бағрикенглиги, мулкчиликнинг хилма-хиллиги, сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланганлигидадир.

Ўқувчи ва талаба-ёшларга ислом ахлоқий қадриятлар ҳақида тушунча ва билимлар беришда улар эгаллаётган илмларнинг инсон ҳаётидаги мўъжизакор кучи ҳақида алоҳида тўхталиш зарур. Аҳмад Югнакийнинг «Илмсиз иликсиз суякдир, суякка илик, эр кишига илм керакдир», «Илм бахт-саодатга элтади» деган фикрларидан ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаш жараёнида, ёшларни ислом ахлоқий истиқлол ғоялари руҳида, ғоявий ва мафкуравий тарбияда ўринли фойдаланиш мумкин.

Тарбиямизда одамни ақлгина эмас, балки қалби, юраги, виждони ҳам бошқаришни доимо уқтирмоғимиз зарур. «қалб илми, бу фойдали кимдир, у набийлар ва расуллар илмидир...»¹. Бу фазилатларни тарбиянинг барча жабҳаларида, айниқса, ёшларни ғоявий ва мафкуравий тарбиясига сингдиришни амалий йўлга қўйиш керак.

Тарбияда ишонтириш усули катта ўрин тутди. Тарбия фақат муайян сўз, тушунчалар йиғиндиси тарзида берилмасдан, балки жонли ҳаётдан олинган амалий мисоллар орқали берилиши зарур. Одамларнинг шахсий, оилавий ҳаётдан мисоллар келтириш орқали ёшларга самарали таъсир қилиши мумкин. Демак, тарбияда ёшларга ислом ахлоқий қадриятлар, уларнинг ҳар бир жамият аъзоси ҳаёт тарзидаги ўрни ҳақида аниқ, конкрет мисоллар, амалиёт, ибрат, намуна кўрсатиш ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг яна бир омилидир.

Ислом ахлоқий қадриятларнинг илмий ва амалий томони ҳақида гапирар эканмиз, унинг умумбашарий ахлоқий қадриятларга дахлдор томонлари, жаҳон тараққиёт андозаларига монандлиги тўғрисида ҳам фахрланиб гапириш мумкин. Чунки ислом ахлоқий қадриятлардан умуминсоний ахлоқий қадриятлар шаклланади ва ривожланади. Ислом ахлоқий қадриятларимизда ҳам жаҳон халқларини тўлқинлантириб

¹ Фахрулдин Али Сафий. Рашаҳот. Тошкент 2004. 98 бет.

келаётган умумбашарий масалалар ўз аксини топган бўлиб, умуминсоний ахлоқий қадриятлар тизимида ўз ўрни, салмоғи, салоҳиятига эга бўлиб бормоқда.

Албатта, ёшларни ислом ахлоқий қадриятларга таяниб, улар асосида тарбиялашнинг кўплаб омиллари ҳақида гапириш мумкин. Ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялаш узок давом этадиган жараёндир.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- ислом ахлоқий қадрият, умуминсоний қадрият тушунчалари фақат бир миллат қадрияти маъносида эмас, балки мамлакатимизда яшаётган кўплаб ислом ахлоқий, этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этади. Умумислом ахлоқийлик этник, диний, сиёсий, хусусий, шахсий манфаатларни камситмайди;

- ислом ахлоқий қадриятлар, улардан тарбия жараёнида фойдаланиш дунёвий давлат ва жамият қуришга қаратилган бўлиб, фикрлар хилма хиллигига таянади ва уларни ривожланишига кенг имкониятлар очади;

- ислом ахлоқий қадриятлар демократик характерга эга бўлиб, унда барча дунёвий, диний, илмий, сиёсий, ҳуқуқий қарашлар тенг ҳуқуқлилиқ асосида ривожланиш тамойилига асосланади.

Ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг механизмлари.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Республикаси янги тарихий даврга қадам қўйди. Жамиятимизнинг маънавий - ислом ахлоқий янгиланиши давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда, чунки мамлакатнинг келажаги кўп жиҳатдан маънавий-ислом ахлоқий баркамол авлодни тарбиялашга боғлиқдир.

Ҳозирги кунда ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш ҳамда ўз ақл-заковатини тўла намоён этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашадиган омил - бу ислом ахлоқий қадриятлар ҳисобланади. Ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбия бериш жараёнининг

яна бир аҳамиятли томони шундаки, ўсиб келаётган ёш авлод бугунги кунда ахлоқий қадриятлар тизимининг амалий ҳаётга тадбиқ этила бошлаганлиги ҳозирги даврнинг энг муҳим ютуқларидан бири деб билиши лозим. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ислом ахлоқий қадриятларни таълим ва фан соҳаси орқалигина ёшлар онгига ва қалбига сингдириш, мамлакат миқёсида аҳамиятга молик бўлган ва давр тақозо этаётган бирдан-бир ва ягона йўли эмас³⁷. Ислам ахлоқий қадриятларни идрок этиш уни ёшларнинг ишонч ва эътиқодига айлантириш учун турли самарали омиллардан фойдаланишни тақозо этади.

Жаҳон цивилизацияси демократик давлатлар тарихи ва тажрибаси шунинг тасдиқлайдики, демократик жамиятни қуриш том маънодаги маънавий-ислом ахлоқий дунёқарашни шакллантириш, ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятларга содиқлик орқали амалга ошади. Бунинг учун бизда буюк тарихий, маънавий - ислом ахлоқий меросимиз ва мустақил тараққиёт йўлида жамиятимиз эришган ютуқлар тимсолида асослар бор.

Бу борада ислом ахлоқий қадриятларни ёшлар онги ва шуурига сингдириб боришда дастлабки пойдевор халқимизнинг азалий удумлари ҳамда оила ва оилавий муносабатларига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Кўп асрлардан буён буюк аجدодларимиз оилавий ҳаётни соғлом турмуш тарзининг асосий қисми сифатида, унинг муқаддаслиги эътироф этиб, фарзандларини жисмонан бақувват, ахлоқ-одобли, андишали қилиб ўстиришларига алоҳида эътибор бериб келишган. Бу ҳолат ҳаёт синовларидан ўтган ва қадрият даражасига кўтарилган. Инсон дунёқарашининг дастлабки пойдевори оилада шаклланади. Шундай экан, тарбиянинг маънавий-ислом ахлоқий асослари оиланинг шарқона тарбия тизимининг қай даражада ташкил этилганлиги билан характерланади.

Шахс маънавияти унинг дунёқарашини, тасаввур ва эътиқодлари ислом ахлоқий қадриятларимизга хос илк тушунчалар асосан оила муҳитида таркиб

³⁷ Батафсилроқ қранг: www.ziyo.net

топишини эътиборга олган ҳолда, асосий тарбия маскани сифатида оила тарбиясига алоҳида урғу бериш долзарб вазифаларидан биридир.

Халқимизнинг табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуйидаги ислом ахлоқий ва умуминсоний тамойилларни амалга ошириш: оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги, она Ватанга муҳаббат, иймон-этиқодли бўлиш, ўзлигини англаш, ота-боболарнинг муқаддас ахлоқий қадриятларини асраб-авайлаш, ислом ахлоқий ғурур ва ислом ахлоқий ифтихор туйғуларини шакллантира боришга қаратилган ҳалоллик, ростгўйлик, маънавий-ислом ахлоқий қусурлардан поклик каби ислом ахлоқий ва умуминсоний маънавий-ислом ахлоқий қадриятларни ёшлар онги ва қалбига сингдира боришнинг комплекс механизмларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир халқнинг ислом ахлоқий маънавий дунёқарашини, этно-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ислом ахлоқий қадриятларни ҳаётга тадбиқ этиш учун қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиш лозимдир:

Биринчидан жамиятимиздаги ҳар бир шахс маънавиятида мамлакатимизнинг босқинчиларга қарам бўлиб қолган даврлар (қадимги Эрон шоҳлари босқинчилиги, чоризм ва большевизм ҳукмронлиги) турмуши ва маданияти билан халқимизнинг мустақил ривож топиши (Сак ва Массaget қавмлари ва Афросиёб давлати, Темурийлар сулоласи) даги даврда юксак турмуш ва маданиятларни қиёслаш воситасида ислом ахлоқий қадриятларнинг юқори босқичга кўтарилдганлигини исботлаб бериш керак. Бунинг натижасида ўсиб келаётган авлодда ислом ахлоқий қадриятларни эъзозлаш этиқодини шакллантириш, уларнинг онги ва қалбига ислом ахлоқий ғоя ва мафкуранинг сингдиришнинг, ўз даври учун аҳамиятли ва бизлар учун ибратли жиҳатини ёритиш каби механизмларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

Иккинчидан, ҳар бир шахс жамият ҳаёти билан дахлдор бўлган вазифаларни бажаришда ҳамда ўзи ишлаб турган ташкилот, корхона,

муассасалардаги иш жараёнларида ижро интизомига тўла амал қилишига эътиборни қаратиш: ёшларда мустақил ривожланиш йўлимизнинг самара беришга ишончни тарбиялаш учун мамлакатимиз эришган ютуқларнинг аҳамиятини ёритиб бериш муҳим. Маълумки, маънавий-ислом ахлоқий дунёқарашнинг негизини инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари ташкил этади. Бундай ғояларни шакллантиришда далил-исбот беқиёс механизмдир. Ўзбекистоннинг барча моддий бойлиги, иқтисодий имкониятлари ижтимоий ҳолати ва маданий даражаси мамлакатни ҳар томонлама ривожланишига, ижтимоий ҳамжихатлик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга сафарбар этилмоқда³⁸. Мамлакатимизда барпо этилаётган янги ишлаб чиқариш структураси, коммуникация иншоотлари, таълим ва саломатлик комплекслари, ижтимоий хизмат тармоқлари, ислом ахлоқий маданий марказлар, информацион-технологик шарт-шароитлар ватанпарварлик онги ва туйғусини мустаҳкамлашга, ёшлар онгида ислом ахлоқий қадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғлинишига хизмат қилади.

Учинчидан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда унинг ислом ахлоқий қадриятларнинг ҳаётдаги ўрнини қандай даражада мазмунли эканлигини билганига, унинг ватанпарвар, миллатпарвар, Президентимиз ибораси билан «элим деб, юртим деб» яшайдиган киши эканлигига, унинг тадбиркорлиги, ҳалоллиги, ғоявий қусурлардан поклиги, ислом ахлоқий қадриятларнинг уни имон-этиқодига айланганлигига эътиборни қаратиши.

Тўртинчидан, бошқарув тизимида ислом ахлоқий қадриятларнинг жамият манфаатига йўналтирувчи хусусиятларни шакллантира бориш, раҳбар ходимдан ижобий ибрат кўникмаларини олишга эришиши.

Ислом ахлоқий қадриятлар мамлакат миқёсида идрок этилган ҳолда уни ёшлар онги ва қалбида устуворлигини таъминланишининг яхлит, мунтазам, изчил тамойилларига таянган ҳолда инсонлар ҳаётига жорий этишни тақозо этади. Ўз фаолият миқёсини мамлакат миқёслари билан уйғун бўлишига қаратилган дунёқарашга эга бўлишдир.

³⁸ Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т., 2004, 76-77 б

Айрим хулосалар.

Юқорида кўриб ўтилган масалалардан келиб чиқиб, хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки, Ахлоқий қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида катта ўрин тутади. Фақат ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар изчиллигига, уларнинг ўзаро алоқадорлигига, бу алоқадорликнинг англаб етилишига эриша олган жамият ва миллатгина юксак тараққиётга эришиши мумкин экан. Мустақил республикамизнинг эртанги куни кўп жиҳатдан ҳар бир кишида ислом ахлоқий қадриятларнинг жамиятдаги ўринини тўғри баҳолай олган, инсон, миллат, унинг ҳаётини энг олий қадрият сифатида баҳолаган мамалакатларда ривожланиш жараёнлари тезлашмоқда. Юқоридаги мақсадли вазифаларни амалга ошириш туфайлигина ёшларни маънавий-ислом ахлоқий дунёқарашини шакллантира бориш ҳамда ислом ахлоқий қадриятларга содиқ бўлиб ҳаёт кечиришни ёшларнинг ҳаётий дастуриламали қилиб олишларига эришиш мумкин.

3.2. Баркамол авлодни тарбиялашда ислом ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти.

Тарихий манбаларда аجدодларимизнинг битмас-туганмас маънавий мероси ва тарихий анъаналари асрлар давомида сақлаб келинганлиги ўз ифодасини топган. Ахлоқий қадриятлар халқимизнинг ўзлигини англаб етишда, ислом ахлоқий ғурурини шаклланишида беқиёс хизмат қилиши мустақил давлатимиз фуқароларининг руҳий жихатдан истиқлол ва истиқбол учун фидойиликка етаклашининг шарти ва кафолатидир. Ўтмиш меросни, ислом ахлоқий қадриятларни билиш ҳамда эъзозлаш, уларни келажак авлодларга тўла-тўқис ҳолда етказиш мақсадга мувофиқдир. Ўтмиш ахлоқий қадриятларига, анъаналарига ва турмуш тарзига бефарқ қарамаслик лозим. Чунки маънавий ахлоқий қадриятлар, ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар каби комил инсон шаклланишининг муҳим омилларидан биридир.

Буюк мутафаккирларимиз қайси замонда яшамасин, қайси тилда асар яратмасин, ўз элини, унинг ахлоқий қадриятлари, урф-одатларини унутмаганлар, доимо миллатни, ислом ахлоқий ўзликни улуғлаганларини юқоридаги бобда кўриб ўтдик.

Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюклар эл-юртимиз тарихини, маданиятини, санъатини, ахлоқий қадриятларини, урф-одатларини ўрганиш ва уларни кейинги авлодга етказиш учун қалам тебратганлар³⁹.

Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон қадим-қадимдан хунармандчилиги, пазандалиги, деҳқончилиги, илм-фани, санъати ва ислом ахлоқий қадриятлари билан оламга машҳурдир. Болажонлик, меҳмондўстлик, одамгарчилик, ота-онага ҳурмат, оилавий бирдамлик,

³⁹ Тўланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1998. –89-б

оқибатлилик, қаноатлилик, мурувватлилик халқимизга хос одатлардир. Бу урф-одатлар, ахлоқий қадриятлар халқимизнинг қатор инсоний фазилатларида мужассамдир.

Кишиларнинг ўз халқи урф-одатлари ва анъаналарига амал қилмасликлари халқ ахлоқий қадриятларини билмасликка, уларнинг кадрсизланишига олиб келади. Ахлоқий қадриятларда ислом ахлоқий рух, маънавият, кадр-қиммат каби инсоний фазилатлар ўз ифодасини топади. Ўз кадр-қимматини билиш кишини худбинликдан асрайди, ўзини бошқалар томонидан камситилишига йўл қуймайди, у фақат яхшилик қилишни ўйлайди.

Бугунги кунда ёшлардаги умуминсоний ва ислом ахлоқий-ислом ахлоқий қадриятларга булган эътиборини янада юксалтириш юзасидан олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этмоқда. Бу бежиз эмас албатта, демократик фуқаролик жамиятини умуминсоний ва ислом ахлоқий қадриятларга булган эътиборини юксалтирмасдан туриб куриб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов бу ҳақида шундай дейдилар; «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ислом ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди»¹.

Мустақиллик туфайли ёш авлодни ислом ахлоқий руҳда тарбиялаш шахснинг ислом ахлоқийлигига бевосита алоқадор бўлган фазилатларни сингдириш тамойилидан келиб чиқиб белгиланди.

Меросимиз дурдоналаридан келажак авлод тарбиясида фойдаланиш, уларни ёшлар ҳаётига тадбиқ қилиш орқали болаларда давр талаби асосида ислом ахлоқий, эстетик, меҳнат ва жисмоний фазилатларини такомиллаштириш мумкин. Маъруза ва амалий дарсларда, одоб сабоқларида, синфдан ташқари тадбирларда, тарбиявий соат ва мулоқот дарс

¹ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. «Ўзбекистон» 1997. 137 б.

машғулотларида, маънавият кунларини режалаштирганда маънавий ахлоқий кадриятларимиздан фойдаланиш орқали ёшлар ўқишини, тафаккурини, билим олишга қизиқишини ривожлантириш, уларда ўтмиш ислом ахлоқий меросимиз, ислом ахлоқий кадриятларимизга чуқур ҳурмат ҳиссини уйғотиш мумкин.

Ислом ахлоқий мустақиллик даврида биз ёшларимизга сабоқ берар эканмиз, уларни ўзлигини англашга ўргатар эканмиз, меросимиз, ахлоқий кадриятларимиз, мутафаккирларимизнинг одоб-ахлоқ тўғрисидаги таълимотларидан фойдаланишимиз ва ёш авлодни баркамол инсон қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишимиз лозим.

Фақат билимли, маърифатли инсонгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини кадрлай олади. Анъанавий ахлоқий кадриятларни ҳозирги демократик жамият ахлоқий кадриятлари билан уйғунлаштириш келажакда раванқ топишнинг гаровидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз цивилизациявий жамият куриш йўлида борётган экан, унинг ўзига хос ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, фалсафий муаммоларга дуч келмоқда. Ёшлар онги ва қалби учун кураш ва уларнинг комил инсон руҳида тарбиялаш ана шундай долзаб мафкуравий йўналишдаги муаммолардан биридир.

Мазкур муаммо ечими Республикамизда янги давлатчилик асосларини барпо этишда, демократик, адолатли, фуқаролик, жамият куришимизда назарий ва амалий аҳамият касб этади. Инсон онги ва қалбини эгаллаш муайян сиёсий гуруҳ, қатламларининг буюк давлатчилик шовинизми мақсадларига қаратилган бўлиб, бунда улар турли мафкуравий восита ва усулларда фойдаланадилар.

Фақат ислом ахлоқий ўзлигини англаган ва минг йиллар давомида шаклланган маънавий ахлоқий кадриятларига содиқ ёшларгина ўз эътиқодига эга бўлган ватанпарвар, юртига, элига фидойи бўла олади. Ва фақат шу пайтдагина ватан равнақиға, мустақиллиғига қисса қўша олади. Уларни бундай кишилар қилиб тарбиялаш жараёнида эса ислом ахлоқий

кадриятларнинг, буюк алломалар меросида ахлоқий кадриятлар тўғрисида билдирилган фикрлардан фойдаланиш аҳамиятлидир.

Халқимизнинг ўз менталитетига хос маънавий-ислом ахлоқий кадриятлари ислом ахлоқий кадриятларимизнинг асосини ташкил этади. Чунки улар ёшларнинг қалби, онгини истиқлол эътиқодини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ахлоқий кадриятлардир.

“Миллат ислом ахлоқий кадриятлар соҳиби, миллат таназзули-ислом ахлоқий кадриятлар таназзулидир.” деб кўрсатилади “Мустақиллик ислом ахлоқий оммабоп луғат”ида⁴⁰. Ушбу фикрга қўшимча тарзда айтиш мумкинки, ислом ахлоқий кадриятлар миллат абадийлигини, унинг ўтмиши ва келажагини боғловчи, яшаш мақоматини белгиловчи мезондир. Чунки ислом ахлоқий кадриятлар ўз ичига миллатнинг урф-одати, диний ислом ахлоқий анъанаси, маросими, менталитетига хос характери, жиҳати, психологияси, тили, дини, ўтмиш тарихи, яшаш тарзи, онги ва тафаккурига хос хусусиятларини ҳам камраб олади. Агар миллатнинг ушбу жиҳатларидан бир томони-тили йўқолиб кетса, миллат ҳам ўз муқарарлигини йўқотади, чунки тил миллат ва давлат мақоми шаклидир.

Бугун ёшларимиз онгини тўла эгаллаш учун мафкуравий таъсир ўтказишга қаратилган “ҳаракатлар” кун сайин шиддат билан ортиб бормоқда. Улар ахлоқий кадриятларимизни тўлиқ англамаган ёшларга ўзларини ҳаққоний демократияни ўрнатувчи адолатпарвар қилиб кўрсатадилар. Ҳатто дунёқараши шаклланмаган ёшларни янгича, ғарбона демократияни ўрнатувчи ҳақиқат талабгорлари тарзида тарбиялаб, уларни ички муҳолифатлар қилиб тайёрлашлари сир бўлмай қолди. Уларни миллатимизнинг маънавий-ислом ахлоқий кадрияларидан воз кечдириб, бу йўлдаги ҳаққоний жиқодга тайёр “камикадзе” қилиб етиштиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Агар ёшларимизни ислом ахлоқий кадриятларга содиқлик руҳида тарбияламас эканмиз, бундай ҳаракатчи кучларга қарши ёшларда

⁴⁰ Мустақиллик илмий-оммабоп луғат. Т.: 1998, 105-б

мафкуравий иммунитет ҳосил қилмас эканмиз, ислом ахлоқий давлатчилигимиз тараққиётига, унинг келажагига болта уришга йўл қўйган бўламиз. Ёшларимизни ислом ахлоқий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш уларни комил инсонлар қилиб шакллантиришнинг зарурий шартидир. Зотан, бугунги кунда ёшларимиз қалби ва онгига ислом ахлоқий истиқлол ғоясининг комил инсон тамойилини энг аввало ўзликни англаш, ислом ахлоқий ғурур туйғуларини ўзида мужассамлаштирган ислом ахлоқий қадриятларимиз орқали сингдириш мумкин.

Ҳар бир жамият ўз халқини муайян мақсадлар, манфаатлар йўлида уюштирувчи, яратувчиликка чорловчи таълимотлар ишлаб чиқиш кераклигига эҳтиёж сезади ҳамда уларга қарши бўлган ёвуз ғояларга қарши кураш иммунитетини шакллантириш вазифаларини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Зеро, бугунги кунда маънавиятга, таълим-тарбияга, ислом ахлоқий кадрлар тайёрлашнинг барча тизимига, ислом ахлоқий истиқлол ғоясини, ислом ахлоқий қадриятларни кишилар, айниқса ёшлар онги ва қалбига сингдирмасдан туриб давлат, халқ ўз олдига қўйган ижтимоий, иқтисодий, илмий, сиёсий муаммоларони ҳал эта олмайди.

Шу мақсадлар йўлида педагог ходимлар бутун кучини ёш авлодни тарбиялашга, тўғри йўлни кўрсатишга сарф қилиши керак.

Талабалар тарбиясида буюк алломаларимиз Ал-Хоразмий, Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Термизий, А.Навоий, Улуғбек, Бобурларнинг бой ижодий мероси, ўғитлари катта аҳамият касб этади. Буюк аجدодларимиз Ватан эрки ва озодлигини улуғлаш билан бирга халқлар ўртасида тенглик ва тинчлик, ҳақиқат ва адолат, биродарлик ва инсонпарварлик ғояларини илгари сурганлар.

Бу ғоялар XX1 аср олимлари илгари сураётган миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ғоялари билан уйғунлашиб кетади. Бу эса мустақиллигимизни мустаҳкамлашнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ўтмиш аждодларимиз яратган ислом ахлоқий қадрият даражасига кўтарилган турмуш тарзи, дунёқараш ҳозирги кунда умумэътироф этилган тамойилларга

тўла мос келиши уларнинг нақадар ҳаётий эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Хур истиклол яловини қўлига тутган Ватанимиз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб ўзининг ўзлигини англаш билан бир қаторда, чин демократик давлатга хос бўлган ёшларимиз тарбиясида ислом ахлоқий кадриятларимизнинг, урф-одатларимизнинг тутган ўрни жуда муҳимлигига яна бир қарра амин бўлдик. Ўзбекона урф-одатларимиз, ахлоқий кадриятларимиз - бу фарзандларимизни оқилона, тўғри вояга етказиб, тарбиялаш учун энг катта имкониятларга эга маскандир. Лекин бу имкониятлар ҳамма вақт ҳам тўлиқ амалга оширилмайди. Аввалом бор ҳар бир ота-она ўз фарзандини ҳар томонлама яхши билиши, ўз боласини тўғри тарбиялаши лозим. Бунинг учун ота-оналаримиз ўз фарзандларига ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган ахлоқий кадриятларимиз, урф-одатларимиз борасида кўпроқ маълумот, тушунча беришлари даркордир, бунинг учун фарзандларимиз ким билан ўтириб туришини, мактабдаги ўқишини, ўзлаштиришини доимий равишда кузатиб туриш керак. Келажак ёшларимизга бундай ёндошиш уларнинг тарбиясида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Бунинг учун эса ёшларимизни тарбиялашда аввало меҳнатга, ота-онага, ватанга бўлган муҳаббатни уйғотишимиз даркор. Ёшларимиз ўз ота-оналарида ҳақиқий меҳнатсеварни, ўз малакасини ошириб борадиган, ўз иши, корхона ютуқларини биринчи навбатда қўядиган, жамоатчини кўрса, кўз ўнгида ота-оналарининг обрўси ҳам ортиб боради. Оилада ота-онанинг бир-бирига бўлган муносабати, ҳурмати, қолаверса обрўси, ўзларининг ота-оналарига, кекса бобо – бувиларига муносабатлари болалар тарбиясига жуда катта таъсир этади. Ҳар бир ота-она ўз фарзандида ўсаётган инсонни кўришлари, унга ишонишлари, ҳар доим бола ўз ота-онасига суянишига, қандай ҳолатга тушишдан қатъий назар унга ёрдамга келишларини тушунган ҳолда ўстиришлари зарур. Бунинг учун эса болани меҳнатга қизиқтириш, ҳар қандай килинган яхши ишнинг маҳсули меҳнат орқали келишига ўргатиш

руҳи билан вояга етказиш керак. Мана шундай олий мақсад сари интилаётган бир вақтда ёшларимизни авваломбор ўқимишли, билимли бўлиши билан бир қаторда, кечаги кунимиз ва бугунги кунимиз орасидаги фарқини англаймоғимиз, Ватанимизнинг эртанги тақдири ёшларимизга боғлиқлигига катта умид билан қаратмоғимиз даркор. Ватанимизнинг келажагини ёшлар яратади. Халқимиз, қолаверса юртбошимиз фарзандларимизга шунча ишонч билдираётган эканлар, ёшларимизни келажакда юртимизга керакли инсон бўлиб етишишига ҳаракат қилмоғимиз даркор. Бунга эришишнинг мазмуни эса фақатгина ҳалол меҳнат туфайли, урф-одатларимиз ҳамда ахлоқий қадриятларимизни англаган ҳолда амалга оширилади. Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Биз фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этишлари учун қанот беришимиз керак” деган қимматли сўзлари, катталардан йиллар давомида жисмоний ҳамда маънавий куч сарфлашдек катта маъсулиятни юклайди. Шундай экан, ёшларимизни шундай вояга етказайликки, улар ўз ҳаётлари давомида илмга чанқоқ, меҳнатни доимий эҳтиёж билиб, яшайдиган комил инсон бўлиб етишсин.

Ёшлар тарбиясида ахлоқий қадриятларимизнинг тутган ўрни бекиёс бўлиб, ислом ахлоқий қадриятларимизнинг ўсиб келаётган фарзандларимизни тарбиялашда энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Ислом ахлоқий қадриятларимизни англаш билан бир қаторда ўз тилимизни, анъаналаримизни, урф-одатларимизни, ислом ахлоқий ўзликни англаш шулар жумласидандир, бу эса фарзандларимизни касб танлаш, мустақил ҳаётга маънавий ҳамда маърифий тайёргарлик даражасини оширишдан, шакллантиришдан иборатдир.

Шу билан биргаликда ёшларга жамоатчиликнинг кўрсатадиган таъсири фақатгина назорат қилишдан иборат бўлмай, балки жамоатчилик ва оила билан ўзаро ҳамкорлик ота-оналар ўртасидаги ўзаро ҳурмат қилишга асосланади. Ҳозирги замон давр талаби ҳам ишлаб чиқариш шароити фарзандларимизнинг меҳнат тарбияси, таълими, фан-техника талаблари даражасига кўпроқ мувофиқ бўлишни талаб қилади, чунки тўғри йўлга

кўйилган тарбия ёшларимизни ижтимоий фойдали меҳнатга бевосита катнашишни, ўқишга онгли муносабатни ҳосил қилишнинг асосий омилларидан биридир. Ёшларни уй-рўзғор ишларига жалб қилиш, кўлидан келадиган ишларни бажаришга ўргатмоқлик ҳақида, касб ва ҳунар сирларини эгаллаш зарурати ҳақида мутафаккирларимиз асарларидан фойдаланиш лозим, чунки уларнинг таълим олишдаги муваффақияти ҳам оиладаги тарбиянинг қай шаклда йўлга қўйилганлигига боғлиқ бўлади.

Ислом ахлоқий қадриятлар миллатнинг тарихи, турмуш тарзи, маънавияти ва маданияти билан ўзаро боғлиқ ҳолда юзага келади. Халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос бўлиб келган ислом ахлоқий қадриятлари узоқ тарихий даврларни бошидан кечирди. Она юртга муҳаббат, авлодлар меросига содиқлик, катталарга ҳурмат, бошқа халқларга ўхшамайдиган урф-одатлар, маросим ва анъаналарда ислом ахлоқий қадриятларимиз ўз ифодасини топган.

Шўролар тузуми даврида унутилиб кета бошлаган бешик тўй, суннат тўй, киз узатиш тўйи, пайғамбар ёшига етганлигини нишонлаш каби урф-одатлар қайта тикланди. Ислом ахлоқий ҳудуд, макон бундай ахлоқий қадриятларни яратиш, уларнинг энг яхшиларини элақдан ўткизиб, танлаб олишнинг асосий ўрни, у ислом ахлоқий қадриятларнинг энг муҳимларини юксалтиради ва умуминсоний ахлоқий қадриятларга олиб чиқади. Айниқса, ҳақиқатни талқин этишни, бунда синфий, фирқавий, табақавий, уруғ-аймоқчилик, бир-бирини ғаразли қўллаб-қўлтиқлаб юбориш билан боғлиқ манфаатларининг бирлиги каби собиқ мустабид тузумга хос усул, воситаларни қўллаш мумкин эмас. «Маънавийлик ва инсонпарварлик, республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналарини ва урф-одатларини, дини, тили ва маданиятини ҳурмат қилиш қоидаларига устуворлик берилиши»⁴¹ керак.

Ижтимоий сиёсат, маданият ва санъат соҳаларида Ўзбекистонда «Маънавийлик ва ислом ахлоқийлигини қайта тиклаш, халқларнинг маданий

⁴¹ И.А. Каримов Ўзбекистоннинг уз истиклол ва тараққиёти йули – 12 б.

меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва ислом ахлоқий маънавий тараққиёт омили бўлган санъат асарларни излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш; қадимги ва замонавий маданий-маънавий ахлоқий қадриятларни, адабиёт ва санъатни билиш ва кўпайтириш»⁴² га асосий диққат—эътибор қаратилиши лозим.

⁴² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиети йўли . –Т.: 1993. - 18 б.

ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида илдам кадамалр билан маънавий ҳаётимизга кириб келиб, онгимизда ўрнашган, бизнинг кудналик ва назарий онгимизда ўз ўрнига эга бўла бошлаган тушунча- «қадрият» узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтган. Истиқлол йилларида бу тушунча жамият ҳаётига кириб кела бошлаши билан уларни илмий тадқиқ қилиш, жамиятдаги ўрнини белгилаб беришга бир қанча уринишлар бўлди.

Халқимизнинг ислом ахлоқий мероси, юксак маънавий ахлоқий қадриятларини чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни мустақил ўлкамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириш, айниқса ёш авлодни маънавий етук, фидойӣ, ислом ахлоқий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, уларни фидойӣ кишилар қилиб шакллантириш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланди.

Биз ахлоқий қадриятлар, ислом ахлоқий қадриятларга содиқ қолиш, уларнинг жамиятда ўрнини белгилашга киришар эканмиз, ислом ахлоқий қадриятларнинг турли даврларда, турли тарихий шароитларда турлдича шаклда, ўзига хос равишда намоён бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўтмишда ислом ахлоқий қадриятлар ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар алоқадорлиги зиддиятли, қарама-қаршиликларга, инсонийликка зид тўсиқларга учраб тараққий этган бўлишига қарамай, улар, умуман олганда, тараққий этиб, ривожланиб борганлар. Давр ўтиши, вақт ва замон ўзгариши, жамият тараққиёти билан одамларнинг ҳатти-ҳаракати, тиурмуш тарзи, бошқалар билан муносабати, меҳр-оқибати, ўзаро ёрдами, эзгуликка интилиш, жаҳон мамлакалари ва халқлари ахлоқий қадриятлари билан интеграциялашиш натижалари шакллана борди.

Ахлоқий қадриятлар, ислом ахлоқий қадриятларнинг ривожланиш жараёнлари ва қонуниятларини пухта ўрганмасдан ва ўзлаштирмасдан ҳозирги вақтда жаҳон цивилизациясига, маданиятига «силлиқ» қўшилиб кетиш, фуқаролик, инсонпарвар жамиятини қуриш мушкул. Чунки ислом ахлоқий қадриятлар ўзида инсонпарварлик, ватанпарварлик, толерантлик

каби бир қанча умуминсоний ахлоқий қадриятларни ҳам мужассамлаштирган бўлиб, кўп асрлар давомида кишилараро муносабатда шаклланган одамийлик хислатлари, юксак фазилатлари, ислом ахлоқий ва умуминсоний ислом ахлоқий нормаларни ўз ичига олган. Модомики, шундай экан, диёримизда яшаб ижод этган қомусий олимлар, дин пешволари ва мутасаввуф алломаларнинг ислом ахлоқий қадриятларга берган эътибори, панд-насихатлари, ибратомуз ва ҳикматли сўзларни ўрганишга эътиборни янада кучайтириш керак.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, гарчи мустақиллик йилларида маънавий-ислом ахлоқий ва инсонпарварлик қарашларни тадқиқ қилиш, ахлоқий қадриятлар ва ислом ахлоқий қадриятларни ўрганиш, уларни ёшлар онги ва шуурига сингдириш борасида кўп ишлар қилинган бўлса-да, хали булар етарли эмас. Шу вақтгача фалсафа, педагогика ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича дарслик ҳамда қўлланмаларда ислом ахлоқий мерос ва ислом ахлоқий қадриятлар, ва умуман ахлоқий қадриятлар масаласига кам жой ажратилган. Уларда ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар, улар ўртасидаги алоқадорлик кенгрок ёритилса, мақсадга мувофиқ бўлиб, ёш авлодни ислом ахлоқий истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш жараёнини тезлаштиради.

Юқоридаги боб ва параграфларни таҳлил қилиб ва атирофлича ўрганиб, қуйидагича хулосаларга келдик:

-ахлоқий қадриятлар инсоният ҳаётида етакчи ўрин тутувчи, ўзига хос ходисалардан биридир. Ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар доимо ўзаро бир-бирига таъсир қилиб келганлар;

-ислом ахлоқий қадриятлар умуминсоний ахлоқий қадриятлар каби жамият тараққиётида муҳим ўрин тутди;

-мустақиллик йилларида халқимизнинг минг йиллик урф-одат ва анъаналари, ислом ахлоқий қадриятлари тиклданди, янада такомиллаша бошлади;

-Марказий Осиё қомусий олимлари илмий асарларида ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар етарли баҳосини олган;

-Марказий Осиёдан етишиб чиққан ислом ва тасаввуф мутафаккирлари инсон камолотида ислом ахлоқий қадриятлар ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаганлар;

-ислом ахлоқий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар ёшларни яхшиликка, ҳақиқий комил инсон бўлишга етаклайдиган муҳим омилдир.

Президентимиз мустақиллигимизнинг маънавий-ислом ахлоқий негизлари тўғрисида тўхталиб, бу негизлар умуминсоний ахлоқий қадриятларга содиқлик; халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш; ватанпарварлик⁴³ эканлигини кўрсатиб ўтганлар. Ислом ахлоқий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислохотлар муваффақиятли амалга ошади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича фикрлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади.

⁴³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Т.: Ўзбекистон, 1996. I-том. - Б. 76.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ РЎХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., 2004.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққият йўли. Т.: 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: ислом ахлоқий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. - Тошкент: Ўзбекистон, 1996. I-том. - Б. 76.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XX1 аср бўлсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққият кафолатлари. Т.: 1998.
6. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ ҒҒ Халқ сўзи, 2005, 10 декабр.
7. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Т.: 1999.
8. Абдурахмон Халлоф. Усулул фикҳ. Т.: 1996.
9. Алишер Навоий. Насойим-ул-маҳаббат. Навоий асарлари. 15 томлик, 15-том. – Т.: 1968.
10. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Т.: 1990.
11. Гуннар Скирберкк, Нильс Гилье. Фалсафа тарихи. -Т.: 2002.
12. Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти. – Т.: ҒФНТИ, 1993.
13. Зоҳидов Б. Баҳоуддин Накшбанд меъморий ҳазира. - Т.: 1993.
14. Исроил Субҳоний. Ислом ахлоқий мафкура ва накшбандия ҒҒ Мулоқот.-1999.-№4.
15. Исмоилов С. Накшбандия тариқатининг баъзи бир илдизлари хусусида. – Мустақил Ўзбекистон : фалсафа фанинг долзарб муаммолари.1 жилд. – Т.: 1995.
16. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. - Т.: 1995.
17. Маънавият юлдузлари. (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). М. Хайруллаев таҳрири остида. -Т.: 2001.
18. Мустақиллик илмий-оммабоп луғат. Т.: 1998.
19. Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ғавсул-Аъзам. Рисолаи Қодирия (Авлиёлар султони).- Т.: Нур, 1992.
20. Норбоев А. Гоялар тарғиботида тушунчалар муносабати ҒҒ Ислом ахлоқий истиклол ғояси тарғиботининг илмий асослари. –Т.: 2002.
21. Ориф Усмон. Бектошия. ҒҒ Мулоқот. -1997. -№ 2.
22. Очилдиев А. Ислом ахлоқий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т.: 2004
Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т.: 1997. –240-б.

23. Саидов А. Сравнительное правоведение.- Т.:Адолат, 1999.
24. Тиллаев С., Инсопова Г. Замон, мафкура ва ёшлар. FF Ислом ахлоқий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. –Т.: 2002.
25. Тугаринов В.П. О ценностях жизни и культуры. Л.. 1960.
26. Тўланов Ж. Ахлоқий қадриятлар фалсафаси. -Т.: «Ўзбекистон», 1998.
27. Тўланов Ж. Ҳаёт фалсафаси. Т.: 1993.
28. Уватов У. Донолардан сабоқлар. -Т.: 1994.
29. Усмонов Б., Боқиев Ф. Фалсафа фанидан ўқув-услубий мажмуа. –Гулистон, 2005.
30. Фахруддин Али Сафий. Рашахот. Тошкент 2004.
31. Философская энциклопедия. -М., 1970, т.5. – с.462
32. Хайруллаев М. Абу Наср Форобий. -Т.: 1961.
33. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. Т., 1971.
34. Хайруллаев М. Марказий Осиёда илк уйғониш даври маданияти. Т.: 1994.
35. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 1 жузъ. Муқаддима. –Т.: 2004.
36. Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14-жилд. Т., 1980.
37. www.sufism.ru
38. www.mail.ru/religion/islam
39. www.ziyo.net
40. www.rambler.ru/top100/religion.

КИРИШ.....	3-6
I- БОБ. ИСЛОМ АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ.....	
1.1. Ислом ахлоқий қадриятларининг моҳияти ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни.....	
1.4. Мустақиллик ва ислом ахлоқий қадриятлари.....	
II- БОБ. БУЮК АЛЛОМАЛАР МЕРОСИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР МУАММОСИ.....	
2.1. Шарқ қомусий олимлари меросида ахлоқий қадриятлар.....	
2.2. Марказий Осиёлик исломшунослар ижодида ахлоқий қадриятлар.....	
III БОБ. ЁШЛАРНИ ТАРБИЯСИДА ИСЛОМ АХЛОҚИЙ .ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	
3.3. Ёшларни ислом ахлоқий қадриятлар асосида тарбиялашнинг мақсади ва вазифалари.....	
3.4. Баркамол авлодни тарбиялашда ислом ахлоқий қадриятларнинг аҳамияти.....	
ХУЛОСА.....	
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	
ИЛОВАЛАР.....	

ИСЛОМДАГИ АСОСИЙ БЎЛИНИШЛАР:

1. Ақидавий таълимотлар:

- Имомия.
- Ибодия.
- Зайдия.
- Муътазила.
- Ашъария.
- Мотурудия.


2. Фикҳий мазҳаблар:

2.1. Шиалик.

- Зайдий.
- Жаъфарий.
- Исношарий.

2.2. Аҳли сунна вал жамоа.

- Ҳанафий.
- Моликий.
- Шофеъий.
- Ҳанбалӣй.
- Табарий.
- Зоҳирӣй.
- Авзоӣй.



Диннинг жамиятда бажарадиган вазифалари

1. Дунёқарашни шакллантириш
2. Диннинг тассали бериш вазифаси
(Реал воқеликни афсонавий ишонч билан ўрнини босиш)
3. Тартибга солиш вазифаси
4. Алоқа боғлаш (ўрнатиш) вазифаси
5. Жамоага бирлаштириш вазифаси

JAHON DINLARI



XRISTIANLAR			MUSULMONLAR		BUDDAVIYLAR			
1 Katoliklar	U Baptistlar	6 Pravoslavliklar	8 Sunniylar	12 Maxayaniylar	16 SIKXIYLAR	19 Koreyadagi mahalliy dinlar tarafdorlari		
2 Protestantliklar	I Metodistlar	7 Monofizitlar	9 Shialar	13 Lamaiylar	17 DJAYNLAR	20 Mahalliy dinlar tarafdorlari		
3 Luteranlar	● Mormonlar		10 Ibodiylar	14 Txeravadiylar	17 KONFUTSIYCHILAR	Asosiy dinlar tarafdorlarni nisbati teng bo'lgan aholi		
4 Kalvinistlar			11 YAHUDIYLIKLAR	15 HINDUIYLIKLAR	18 DAOLIKLAR	EX Egallanmagan xududlar		
5 Anglikanlar					19 SINTOIYLAR			

